

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ
«САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

факультет декани
Л. ОЛИМОВ

«__» _____ 2016 й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»

кафедра мудири
А.АБДУЛЛАЕВ

«__» _____ 2016 й.

“Иқтисодиёт” йўналиши 4-курс талабаси
Мирсалимов Жамшидбек Давранович

**“Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасининг инновацион
стратегиясини шакллантириш мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИЛМИЙ РАҲБАР: М. Жўрахонов

АНДИЖОН-2016 йил.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“Машинасозлик технологияси” факультети, “Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш” кафедраси,
“Иқтисодиёт” йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
кафедра мудири
А. Абдуллаев

«26» декабрь 2015 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Мирсалимов Жамшидбек Давранович

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасининг инновацион стратегиясини шакллантириш”. 2015 йил 23 октябрдаги 2-сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишни топшириш муддати « 1 » « 06 » 2016й.

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: ЎР. Қонунлари, ВМ. Қарорлари, Президент фармонлари, мавзуга оид адабиёт ва ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва “Uz Dong Yang Co” МЧЖнинг уч йиллик ҳисобот ва маълумотлари.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

1. Корхоналар инновацион стратегиясини шакллантиришнинг назарий асослари.
2. “Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасида инновацион стратегияни шаклланиш ҳолати тахлили.
3. “Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасининг инновацион стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш йўллари.

5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):

- 1.1.1-чизма. Инновация жараёнининг асосий босқичлари.
- 1.2.2-чизма. Инновацион стратегия босқичлари.
- 1.3.1 - чизма. Инновацион стратегия турлари.
- 2.1.1-жадвал. “Uz Dong Yang Co” МЧЖ томонидан ишлаб чиқариладиган бутловчи қисмлар ҳақида маълумот
- 2.1.1- расм. “Uz Dong Yang Co” МЧЖнинг бошқарув структураси.
- 2.2.1-жадвал. “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тахлили.
- 2.2.2-жадвал. “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамиятнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари.
- 2.3.1-жадвал. “Uz Dong Yang Co” МЧЖда инновацион стратегияларни амалга ошириш ҳолати тахлили.

6. Битирув малкавий иши бўйича маслаҳатчилар

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	М. Жўрахонов	17.12.2015	
2	Корхоналар инновацион стратегиясини шакллантиришнинг назарий асослари	М. Жўрахонов	17.12.2015	
3	“Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасида инновацион стратегияни шаклланиш ҳолати тахлили	Э. Юлчиев	04.03.2016	
4	“Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасининг инновацион стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш йўллари	М. Жўрахонов	20.04.2016	
5	Хулоса	М. Жўрахонов	20.05.2016	

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Инновация тушунчаси мазмуни, моҳияти ҳамда корхоналар фаолиятидаги ўрни	22.01.2016	
2	Инновацион стратегияни шакллантиришни ташкил этиш ва бошқариш	05.02.2016	
3	Инновацион жараёнларни амалга оширишнинг замонавий стратегиялари	25.02.2016	
4	Корхона ташкилий-иқтисодий фаолияти тавсифи	06.03.2016	
5	Корхона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти тахлили	28.03.2016	
6	Корхонада инновацион стратегиялардан фойдаланиш ҳолати тахлили	26.04.2016	
7	Корхона инновацион стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш йўллари	06.05.2016	
8	Корхонада инновацион стратегияларни жорий этишнинг самарадорлиги	26.05.2016	

Битирув малакавий иши раҳбари: М. Жўрахонов

(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим: Ж. Мирсалимов

(имзо)

Топшириқ берилган сана «17» декабр 2015 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.	
1.1 Инновация тушунчаси мазмуни, моҳияти ҳамда корхоналар фаолиятидаги ўрни.....	8
1.2 Инновацион стратегияни шакллантиришни ташкил этиш ва бошқариш...	18
1.3 Инновацион жараёнларни амалга оширишнинг замонавий стратегиялари.....	26
II БОБ. “UZ DONG YANG CO” ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯНИ ШАКЛЛАНИШ ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ.	
2.1 Корхона ташкилий-иқтисодий фаолияти тавсифи.....	32
2.2 Корхона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти тахлили.....	41
2.3 Корхонада инновацион стратегиялардан фойдаланиш ҳолати тахлили.....	50
III БОБ. “UZ DONG YANG CO” ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.	
3.1. Корхона инновацион стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш йўллари.....	56
3.2. Корхонада инновацион стратегияларни жорий этишнинг самарадорлиги.....	63
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75
ИЛОВАЛАР	76

КИРИШ

Жаҳон бозорларида тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий кўринишларини саноат корхоналари фаолиятига тадбиқ этиш орқали уларни мустаҳкамлашга қаратилган техник ва ташкилий жиҳатларни ўз ичига олган кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бунда ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодиёт учун нақадар муҳим аҳамият касб этиши барчага маълум.

Сўнги йилларда миллий иқтисодиётни модернизациялашга йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида мулкчилик шакли ва фаолият йўналишидан қатъий назар ҳар қандай корхоналар олдида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, техник қайта куролланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва шу билан бирга мавжуд имконият ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда тез ўзгарувчан бозор шароитлари талабларига ҳамоҳанг ҳолда мослашувчанлик вазифаси қўйилмоқда.

Бу борада Президент И.А. Каримов ўз маърузаларида кўп бор таъкидлаб, қуйидаги фикрларни билдирган: - “Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур”.¹

Юртбошимиз томонидан билдирилган ушбу фикр ва мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, иқтисодиётни модернизациялашга қаратилган ҳозирги шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва улар барқарорлигини таъминлаш иқтисодий тармоқлар олдида турган долзарб масаларидан ҳисобланади. Ушбу масалани ўз вақтида ва самарали ҳал этишда, корхоналар фаолиятида инновацион стратегияларни шакллантириш ва уларни жорий

¹ И. А. Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи” 16.01.2016 йил.

этиш тизимини тадбиқ этиш ҳамда улардан самарали фойдаланишга эришиш муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий фирма ва компанияларининг илғор тажрибалари шуни кўрсатадики корхоналарда инновацион стратегияларни шакллантирмай туриб, истиқболда ижобий натижа ва даромадга эришиш мумкин эмас. Корхоналар фаолиятига замонавий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўриниши бўлган янгиликларни жорий этиш, инновацион стратегияларни шакллантириш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этишга қаратилган амалий тизимларни амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлардан ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Иқтисодий модернизациялаш шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантиришда инновацион стратегияларни шакллантириш, уларни корхоналар фаолиятига жорий этиш, инновацион фаолият самарадорлигини таъминлаш ва ошириш йўллари йўганиб, ушбу жараённи яхшилаш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун куйидаги асосий вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- Инновация тушунчаси мазмуни, моҳияти ҳамда корхоналар фаолиятидаги ўрнини ўрганиш;
- Инновацион стратегияни шакллантиришни ташкил этиш ва бошқаришни ўрганиш;
- Инновацион жараёнларни амалга оширишнинг замонавий стратегияларини ўрганиш;
- “Uz Dong Yang Co” МЧЖнинг ташкилий – иқтисодий фаолиятини тавсифлаш;
- Корхона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
- Корхонада инновацион стратегиялардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- Корхона инновацион стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

- Корхонада инновацион стратегияларни жорий этишнинг самарадорлигини белгилаш.

Битирув малакавий ишининг объекти – “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти.

Битирув малакавий ишининг предмети – “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамиятида инновацион стратегияларни шакллантириш ҳолати ва улардан фойдаланишни самарадорлигини ошириш жараёни.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари - корхоналарда инновацион стратегияларни шакллантириш ҳолати, уларни жорий этиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.А.Каримов асарлари, нутқ ва маърузалари, мамлакатимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишланмалари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, интернет тизими маълумотлари, “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти ҳисобот ва маълумотлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти - иқтисодий модернизиациялаш шароитида корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришда инновацион стратегияларни шакллантириш аҳамияти, уларни жорий этиш ва инновацион стратегияларни самарадорлигини ошириш ҳамда бу орқали “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини янада барқарорлаштиришга қаратилган амалий таклифлар ва тавсиялар келтирилган.

Тадқиқот ишининг ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб, саккизта параграф, хулоса ва таклифлар, иловалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Инновация тушунчаси мазмуни, моҳияти ҳамда корхоналар фаолиятидаги ўрни.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, жамиятни юксалтиришнинг асоси иқтисодийни модернизация қилишга боғлиқдир. Модернизация жараёни натижасида мамлакатда ижтимоий – иқтисодий ривожланиш барқарор ўсиш таъминланади. И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилмоқда”¹.

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқироздан кейинги иқтисодийнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида иқтисодийнинг инновацион салоҳиятини такомиллаштириш юқори самара беради.

Бу ўринда Президент И.А. Каримовнинг “...иқтисодийтимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилашни, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларни амалга ошириши лозим”², - деб айтган фикрларини эслаш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Мустақил Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация, инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда.

Инновацияларни алоҳида корхоналар ва қолаверса бутун иқтисодийнинг фаолият кўрсатишига таъсирини муҳим аҳамияти

¹ Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь

² Каримов И.А. “Модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби”. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль

мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчилар томонидан тадқиқ этилган ҳамда ўрганилган.

Инновация - бу том маънода янгилик деган маънони бериб у маҳсулотга нисбатан муайян ўзгартиришлар ва тегишли такомиллашувлар киритиб фойдани максималлаштирувчи бош омилдир¹.

“**Инновация**” сўзи негизида, “**новация**” сўзи ётади. Ўзбек тили луғатига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча “**innovation**”, русчасига “**инновация**” сўзи луғатларда “нововедение”, “новаторство” сифатида талқин этилган Рус тилида берилган талқинга кўра бу сўз ўзбек тилига “янгилик киритиш”, “янги усул”, “киритилган янгилик” каби маъноларда таржима қилинган ва изоҳланган. Ўзбек тили изоҳли луғатида “**Инновация**” атамасига – техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётган сарфланган маблағлар тушунчаси сифатида келтирилган.² “**Новация**”, латинча “**novation**” сўзи рус тилидаги луғатларда “изменение”, “обновление”, ўзбек тили луғатларида эса “ўзгариш”, “янгилашиш” маъносида талқин этилган.

Инновация тушунчаси ихтиро кашфиёт новаторлик рационализаторлик таклифи лойиҳа ва янгилик тушунчалари билан боғлиқдир. Ўз навбатида бу тушунчалар бир-бирини тўлдиради ва пировардида мазмунан бойитилган такомиллаштирилган ҳамда принципиал жихатдан ялпи маҳсулотнинг вужудга келтирилишини таъмин этади.

“Инновация” моҳиятан мураккаб ва кўп қиррали масала бўлиб, бу иқтисодчи олимлар ёндашувидаги фарқлар билан ҳам изоҳланади.

В.А. Макаренко³ таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва атамалар луғатида “инновация” атамасига кенгроқ таъриф берилган. Луғатда “инновация” атамаси қуйидаги мазмунда баён қилинган: “инновация” – бу:

- техника ва технология авлодини алмашинувини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ йўналтириш;

¹ Гимуш Р.И., Матмуродов Ф.М., “Инновацион менеджмент”.-Т.: УзФМЖ, 2008

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-китоб, Т: 2006. 212-б.

³ Макаренко В.А. Современный словарь. В 2 т. – М.: 2000.

- илмий-техника тараққиётининг масъули бўлган янги техника, технологиядан фойдаланиш;

- янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш;

- индивидуал тусдаги, такрорланмас, сиёсий дастурларни амалга ошириш;

Адабиётларда инновация атамасига “янгиликни қилинган инвестиция”, “янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси”, “янги техника ёки технологияга”, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга киритилган изохлар тариқасида ҳам берилган. Шунингдек, инновацияга янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи фаолият сифатида ҳам таърифлар берилган.

Жаҳон иқтисодий адабиётларида “инновация” салоҳиятли илмий – техник тараққиёт (ИТТ)ни ҳақиқий, янги маҳсулотлар ва технологияларда рўёбга чиқадиганга айланиши сифатида талқин қилинади.¹

Инновацион назарияни асосий ривожланиш босқичи В.Зомбрет, В.Митчерхил, Й.Шумпетер тадқиқотларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига, дастлаб, австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг ҳиссаси катта. У инновацион конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқаришнинг ва янги омилларини ажратди ва уларга қуйидагиларни киритди²:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;

- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг янги услубини жорий этиш;

- саноатнинг мазкур тармоғида тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;

- хомашёнинг янги манбасидан фойдаланиш;

¹ Ёўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ, дарслик 2011. 6-б.

² Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан, – 2007. 172б.

- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, монополликни таъминлаш.

Й.Шумпетер томонидан XX асрда инновация тушунчаси истеъмол товарларининг янги турлари ишлаб чиқариш ва техник воситалар, бозорлар ташкилий шакллари саноатга татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш мақсадидаги ўзгариш сифатида талқин этган ҳолда киритилган.

Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг кўп тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. *Биринчи ёндашув* – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, *иккинчи ёндашув* – янги маҳсулот ёки технологияга асосланган (1.1.1-жадвал).¹

1.1.1-жадвал

Янги омиллар тўғрисидаги дунё иқтисодчи олимлари фикри (биринчи ёндашув)

№	Муаллифлар	Инновация таърифи
1.	Барнет Х.	Мавжуд шакллардан янги сифат жихати билан фарқ қилувчи ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа
2.	Ла Пеьерре П.Т.	Бошланғич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан хўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш
3.	Витфилд П.	Ижодий ғояни ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши
4.	Водачек Л. Водачкова О.	Корхонанинг тизим сифатида фаолият кўрсатишининг мақсадли ўзгариши
5.	Друкер П.Ф.	Тадбиркорларнинг шундай воситасики, унинг ёрдамида ҳар қандай ўзгариш янги бизнес тури ёки хизматни амалга ошириш имконияти сифатида қўлланилади
6.	Найт К.	Ташкилот ёки унинг бевосита атроф-муҳитига нисбатан бирор янгиликни жориш этиш

Дунё иқтисодчи олимлари “инновация” атамасига таъриф беришда, турлича ёндашувларни амалга оширишган. Улар “инновация”га бир-биридан фарқли равишда инновацияларни яралиш, ривожланиш каби таърифлар

¹ Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан, – 2007. 172б.

билан бойитганлар. Масалан, биринчи ёндашув олимларидан бири Х.Бернет: “Инновация – яратилдиган янгилик ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа” бўлиши мумкин деган маънода таъриф берган бўлса, П.Ф. Друкер эса “инновация – янги бизнеснинг бир тури” сифатида деб қайд этган. Иккинчи ёндашув олимлари биринчи ёндашув олимларидан фарқли равишда асосий эътиборни ишлаб чиқаришга қаратишган. Умуман олганда, жаҳонда кўзга кўринган иқтисодчи олимлари “инновация”га таърифларни турлича бериб, бир-бирларини фикрини тўлдириб боришган.

1.1.2-жадвал

Янги омиллар тўғрисидаги дунё иқтисодчи олимлари фикри (иккинчи ёндашув)

№	Муаллифлар	Инновация таърифи
Жараёнли таърифида		
1.	Харман А.	Инновация деганда янги ёки анча такомиллаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш тушунилади.
2.	Джонсон Р.	Айрим корхоналар хўжаликларида янги ёки такомиллаштирилган эски жараёнлар ва маҳсулотларнинг пайдо бўлиши
3.	Саито Б.	Ғоя ва кашфиётларни амалий қўллаш орқали ўз хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технология яратишига олиб келадиган жамият – техник – иқтисодий жараён
4.	Лемерль П.	Харажатларни тежовчи ёки унга шароит яратувчи ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технология ва ҳоказо
5.	Брайтон Т.	Кашфиёт ёки ғояга иқтисодий мазмун берувчи жараён
6.	Никсон Ф.	Бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуналари пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирлари йиғиндиси
Натижавий ёндашув		
7.	Моисеева Н.К. Анискин Ю.П.	Индивид томонидан янги сифатида қабул қилинадиган ғоя, амалиёт ёки маҳсулот
8.	Киперман Г.Я.	Жаҳон бозорида рақобатдош бўладиган маҳсулот, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий фаолият натижаси
9.	Соколов Д. Титов А. Шабанова М.	Муайян жамият эҳтиёжларини қондирадиган ва бир қатор самара (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва ҳоказо) берадиган, принципаал янги ёки такомиллаштирилган яратиш ва ўзлаштиришнинг якуний натижаси

“Инновация” тушунчасини тушунишга бўлган иккинчи ёндашув ишлаб чиқаришда муайян турдаги техника-технология ва бошқа янги маҳсулотлардан фойдаланишга аосланади. Ушбу ёндашув тарафдорлари бўлган айрим олимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг инновацион ва илмий техник жиҳатларини тенг деб билади (1.1.2-жадвал).

Бизнинг фикримизча, “инновация” – яратилган янги ғоя, ишлаб чиқаришга тақдим этилган янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарув тизимидаги янгича усул, умуман олганда, барча соҳалардаги янгича такрорланмаган ёндашувдир.

Инновацияларнинг корхона фаолиятидаги ролини аниқлаш учун уларни жорий этишнинг объектив зарурлигини кўриб чиқиш лозим:

Биринчидан, инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш, бир томондан, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши билан шартланган, иккинчи томондан эса рақобатбардошлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Иккинчидан, инновацияларни ўзлаштириш бозордаги вақтинчалик монополияни қўлга киритиш орқали қўшимча фойда олиш имкониятига эга бўлишдир.

Учинчидан, радикал инновациялар корхона унга таянган ҳолда етакчи корпорацияга айланиши мумкин бўлган ягона восита ҳисобланади.

Инновация, инновацион жараённинг натижаси ҳисобланади, бунда ихтироларни кашф қилиш (ғояларни ишлаб чиқариш), жорий этиш ва саноат корхонасининг инновацион фаолияти давомида амалда фойдаланиш бўйича меҳнат жараёнларининг йиғиндисини тушуниш лозим.

Иқтисодиётда, техникада ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни, янгиликларни ҳаётга жорий этилиши лозим. Лекин ҳар қандай ғоя ҳам илмий ишланмалар дастури ёки янгилик деб ҳисобга олинмайди. АҚШ ва Англия иқтисодчи олимларининг баҳосига кўра, 10 фоиздан 30 фоизгача ғоя ихтиро деб тан олинishi ва улардан 0,5 фоиздан 3,5 фоизгачаси ўзини оқлаши мумкин экан.

Баъзи бир АҚШ корхоналари маълумотларига кўра, саноат

корхоналарида битта буюмни бозорда муваффақиятли реализация қилиниши ва ўзини оқлаши учун ўртача 70 та ғоя зарур экан. 170 та корхонада олиб борилган бошқа илмий тадқиқотлар ишланмаларининг бошланғич босқичида унинг техник ютуғи ўртача 71 фоизини ташкил этиши кўрсатган¹.

Кўпгина унумли қарорлар ҳаётда қўлланилмайди, баъзида истиқболсиз ғоялар мажбуран жорий этилади. Бунинг ҳаммаси вақтни, маблағни, илмий салоҳиятни бўлинишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида янгиликни жорий этишга, бошқаришга жиддий эҳтиёжни пайдо бўлишига олиб келади.

Инновация хўжалик юритиш субъектларини модернизация қилишга катта таъсир кўрсатмоқда. Самарали инновацион фаолият нафақат ишлаб чиқариш стратегияси, балки мамлакатда фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодий, инновацион салоҳиятни кучайтиришни ҳам белгилайди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг сўнгги босқичларида инновацион салоҳиятни жадал суръатларда ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада И.А. Каримовнинг 2008 йилдаги “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жориш этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари” ПҚ – 916 сонли қарори муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион жараёнлар асосан уй хўжаликлари, фирмалар, компаниялар, корпорациялар миқёсида рўй бериб вужудга келади, аста-секин халқ хўжалиги тизимига, макроиқтисодиёт тармоқларига сингиб боради. INTEL компанияси президенти Эндрю Гроув илмий-тадқиқот мутахассисларининг зиммасига компания ишлаб чиқариш техникасининг эксплуатация қилиш муддатини 3 ойга чўзиш ёки узайтириш топшириғи ёки масаласи юкланса мутахассисларни ишга киритиш шуни, яъни дастлабки ахборотларни тўплаш даврлардан инновацион жараёнлар билан бошқарилади.

Инновацион жараён деб, шундай жараёнга айтиладики, унда янгиликнинг яратилишини объектив заруриятига айланади. Инновацион жараёнларнинг вужудга келиши деганда бирон - бир самарали янги лойиҳа

¹ Гусаков М. Формирование потенциала инновационного развития // Экономист. 2009 г.

яратиш жараёнининг бошланиши тушунилади¹. Инновацион жараёнлар мақсадини қуйидагиларда кўриш мумкин;

1. Ихтороларни кашф қилиш.
2. Илмий-текширув ва тажриба конструкторлик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш.
3. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
4. Маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш.
5. Янги маҳсулотни бозорга олиб кириш.
6. Маҳсулотни рақобатбардошлилигини сифатини ошириш йўли билан янги бозорга ўрнашиб олиш.

Инновацион жараён деганда умумий ҳолда ихтирони, янги технологияни, янги маҳсулотлар ёки хизматни, ишлаб чиқариш, молия, маъмурий характерга эга интеллектуал фаолият турини тижоратлаш жараёни тушунилади. Инновация жараёнининг тавсифнома ва асосий босқичлари мавжуд (1.1.1-чизма).

Биринчи босқичда фундаментал тадқиқотлар олиб борилади. Тадқиқотлар академия институтлари, олий ўқув юртлари, ихтисос тармоқ институтлари, лабораторияларида олиб борилади. Молиялаштириш асосан қайтиб бермаслик шарти билан амалга оширилади.

Иккинчи босқичда амалий характерга эга бўлган илмий ишлар олиб борилади. Бу барча илмий тадқиқот институтларида олиб борилади ва давлат томонидан, яъни бюджетдан ҳамда буюртмачи томонидан амалга оширилади. Маълумки, асосий тадқиқотлар натижаси ҳамма вақт ҳам олдиндан маълум бўлавермайди, шунинг учун бу йўсиндаги хавф-хатар даражаси анча юқори бўлиб, баъзида салбий натижа олиши ёки боши берк кўчага кириб қолиши ҳам мумкин.

Учинчи босқичда тажриба конструкторлик ишлари ва экспериментал ишлаб чиқариш олиб борилади. Улар ихтисослашган лабораторияларда, конструкторлик бюрolariда (КБ), ишлаб чиқариш тажриба участкаларида, йирик саноат корхоналаридаги илмий-тадқиқот бўлимларида олиб борилади.

¹ Гимуш Р.И., Матмуродов Ф.М., “Инновацион менежмент”.-Т.: УзФМЖ, 2008



1.1.1-чизма. Иновация жараёнининг асосий босқичлари

Тўртинчи босқичда тижоратлашув жараёни давом этади, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот билан бозорга чиқиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий ҳаётий босқичлари бўйича иш жараёни давом этади.

Юқоридагилар билан бирга иновацион жараёнларнинг босқичлари куйидагилардан иборат;

1-босқич: Янги фикрлар, ғояларнинг системали кириб келиши;

2-босқич: Ғоя ва фикрларни анализ қилиш ва янги маҳсулот ишланмасини яратиш;

3-босқич: Янги маҳсулотни иқтисодий анализ қилиш ва маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;

4-босқич: Янги маҳсулотнинг наъмунавий андозасини яратиш;

5-босқич: Бозорни ўрганиш, янги маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш ва сотиш каналларини ўрганиш;

6-босқич: Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тадқиқ қилиш бўйича қарор қабул қилиш.

Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар доирасида қўлланиладиган ва мамлакат тараққиёти юзага келтириш режаси бўлган инновация мазмунан янги лойиҳалар ихтиролар ва кашфиётлар туғилиш жараёнидир. Шу нуқтаи-назардан инновацион жараёни мукамал тавсифлаш учун қуйидаги қоида келтириш мумкин.

Инновациялар - ўзида том маънода, янгилик маъносини бериб, у микромиқёсдан то макромиқёсгача амал қилади, яъни унда корхона ишлаб чиқариш механизмига нисбатан унинг самарадорлигини ошириш мақсадида маълум бир ўзгаришлар киритиш ёки мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида янги йўналишларни жорий қилиниши тушунилади.

Корхоналарда ишни яхши олиб бориш ва максимал фойда олиш учун инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариб туриш керак. Бу система давомли ва узлуксиз жараён бўлиб, унда янги ғоялар ва самарали лойиҳалар тайёр маҳсулотга келтирилади.

Шу жараёнлар тўхтовсиз такрорланиб турсагина, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхона яшаши ва гуллаши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтиш мумкунки замонавий ишлаб чиқариш фирмалари ва корхоналари учун инновацион фаолият билан доимий, мунтазам илмий-тадқиқот ва амалий тажрибалар асосида шуғулланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда инновация - бу янгиликдир. Бу тушунча ихтиро, кашфиёт, новаторлик, рационализаторлик таклифи, лойиҳа ва янгилик тушунчалари билан боғлиқдир. Ўз навбатида бу тушунчалар бир-бирини тўлдиради ва пировардида мазмунан бойитилган, такомиллаштирилган ҳамда принципиал жihatдан янги маҳсулотнинг вужудга келишини таъминлайди. Янги маҳсулот эса, агар сифатли, модага хос, таннархи ва нархи нисбатан пастроқ ва бошқа жihatлардан харидорларни ўзига жалб эта олса, корхоналар рақобатда енгиб чиқишига ишонч катта бўлади.

1.2. Инновацион стратегияни шакллантиришни ташкил этиш ва бошқариш.

*Стратегия - бу қандайдир бошқа тарзда эмас, айнан белгиланган тарзда ҳаракат қилиш мажбуриятидир.
Шерон М. Остер*

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг реал мулк эгалари вужудга келмоқда, бироқ корхоналарда инновация жараёнларини тадқиқ этиш ёки тадқиқ этилганлардан кенг қўламда фойдаланиш ҳолатини ижобий кўринишда эмаслигини айтиш зарур. Республикаимизда барча саноат тармоқларини рақобатбардошлигини ва экспорт потенциалини кучайтиришда инновациялардан фойдаланишни ривожлантириш заруриятлигини ҳисобга олган ҳолда бу масаланинг ечими сифатида корхоналар фаолиятида инновацион стратегияни шакллантириш масаласига кенг устуворлик бериш ҳамда мазкур жараённи амалга оширишнинг замонавий ташкилий-иқтисодий ва бошқарув механизмларини шакллантириш ўта муҳим ўринни эгаллайди.

Инновацион стратегия атамаси ҳақида маълумот беришдан аввал стратегия тушунчаси тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир корхона ташқи омилларни ҳамда хўжалик фаолияти моҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос менежмент стратегияси ва дастурини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади, чунки асосий мақсад товарлар хизматларни қаерда, кимга, қандай қилиб сотиш муаммосини ҳал қилиш бўлса, бу бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатларда ҳам мураккаб ва серқиррали фаолият ҳисобланади.

Стратегия – корхонани келгуси даврига мулжалланган олий мақсади, миссияси (узоқ муддатли).

Стратегия умумий тарзда фирманинг мавқеини мустахкамлаш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режасидир.¹

Стратегик менежмент – истеъмолчиларнинг талабларини қондиришга қаратилган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ фаолият туридир.

Стратегияни ишлаб чиқиш бошқарувчиларнинг асосий функцияларидан биридир. Баъзи менежерлар кучли стратегия ишлаб чиқадилар, бироқ уни ҳаётга тадбиқ эта олмайдилар. Бошқалари ўртача стратегия ишлаб чиқадилар ва уни мохирона амалга оширадилар. Стратегия қанчалик яхши ўйланган ва мохирона амалга оширилган бўлса, корхонанинг мавқеи шунчалик кучаяди.

Стратегия - ташкилотнинг ташкилий вазифа ва мақсадларига эришишда фойдаланиладиган ташкилий хатти-ҳаракатлар ва бошқарувга ёндашувлари тарзидир.²

Бизнес соҳасини белгилаш, мақсадни белгилаш, қисқа ва узоқ муддатли вазифаларни (дастурларни) аниқлаш, мақсадга эришиш стратегиясини белгилаб олиш стратегик режани ташкил қилади.

Фирма стратегиясини яратиш ўзаро боғлиқ 5 та қисмдан иборат:


- 1) тижорат фаолиятининг турини аниқлаш ва фирма ривожланишининг йўналишини белгилаш, яъни мақсадни аниқлаб узоқ муддатли истиқболни белгилаш;
- 2) умумий мақсадларни ишнинг аниқ йўналишларига айлантириш;
- 3) кўзланган кўрсаткичларга эришиш учун танланган режани мохирона амалга ошириш;
- 4) танланган стратегияни самарали ижро этиш;
- 5) бажарилган ишни баҳолаш, бозордаги вазиятни таҳлил қилиш, фаолиятнинг узоқ муддатли асосий йўналишларига, мақсадларга, стратегияга ёки уни амалга ошириш усулларига тузатишлар, янги ғоялар киритиш.

Стратегик ғоялари фирманинг ҳаракат дастурига айланиши керак бўлиб,

¹ www.economics.ru «Стратегическое управление».

² Юлдашев Н.К., ва бош. «Стратегик менежмент». Ўқв қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2003 й, 102 б.


бу дастурда стратегик мақсадлар аниқланади ва танланган ривожланиш стратегиясининг амалга оширилишини таъминловчи воситалар белгиланади. Шунингдек, стратегик режа қабул қилинган қарорларни, бу қарорларни ҳаётга татбиқ этувчиларгача етказиб бериши лозим. Бу вазифа келажакнинг мавҳумлиги сабабли мураккаблашади. Стратегик режани ишлаб чиқиш олдиндан билиш мумкин бўлмаган ўзгаришларни “режалаштириш”ни ҳам ўз ичига олади (1.2.1-чизма).



1.2.1-чизма. Стратегик режалаштириш жараёни¹

Стратегия бир мунча қийин ва мавҳумлаштирилган амалий фаолият фалсафаси сифатида намоён бўлади. У аниқ шароитда ва ўзгаришлар таъсирида ойдинлаштирилиб ориентирларга айланади. Тегишли давр мобайнида, қисқа муддатда, тегишли шароитни келиб чиққан ҳолда қабул қилинадиган қарорларда, таваккалчилик сиёсатида (уни хавф-хатар даражасига кўра) услублар йиғиндиси - тактикаси тарзида ушбу стратегияни амалга оширади. Ушбу ҳолатнинг ўзиёқ инновацион стратегияларни корхоналар фаолиятида шакллантириш бир мунча мураккаб, лекин ижобий натижага етакловчи жараён сифатида намоён бўлади. Инновацион стратегияни шакллантириш босқичлари 1.2.2-чизмада келтирилган.

¹ Эргашходжаева Ш. Ж. Стратегик маркетинг -2. –Т.:TDIU, 2010 й.



1.2.2-чизма. Инновацион стратегия босқичлари

Ҳозирги иқтисодий модернизациялаш даврининг асосий талаби бу илмий изланиш ва тажриба тадқиқот ишларини (ИИТТИ) фирмалар стратегиясида ҳал этувчи соҳага айланиши билан белгиланади.

Шу билан бирга бизнес стратегиясини белгилашда ва ИИТТИни амалга оширишда унинг истиқболдаги натижаларини даставвал тўлиқ баҳолаш имконининг йўқлиги (турли лойиҳалар эҳтимолий жиҳатларининг мавжудлиги, барча ихтиро ва янгиликлар тижорат аҳамиятига молик эмаслиги ва бошқалар), стратегия албатта тасодифий ва юқори таваккалчилик эвазига амалга оширилиши лозимлигини назарда тутиши керак. Америкалик олимларнинг фикрича, ҳозирги пайтдаги барча илмий изланишларнинг фақат 10 фоизигина катта тижорат ғалабасини келтиради.

Демак, фирманинг умумий ва ИИТТИ стратегияси ўзаро боғлиқ ҳолдаги бир-бирларини тўлдирувчи сиёсатларнинг муштарак кўлами экан.

Ҳар қандай фирманинг раҳбари, ҳатто у режалаштириш ғоясига қарши бўлса ҳам, ҳеч бўлмаганда уч йўналишдаги истиқболларни белгилаб олишга

мажбурдир:

-бозор эволюциясига тегишлича мослашиш ёки янги товар бозорларига кириб бориш учун керак бўлган инвестициялар;

-кўзда тутилаётган буюртмалар ҳажми билан мослаштирилиши керак бўлган ишлаб чиқариш дастури, буюртмалар ҳажми ўз навбатида талабнинг мавсумийлиги, товарларни илгари суриш ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади;

-молиявий мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган айланма маблағлар, улар даромадлар ва харажатларнинг мўлжаллари асосида ҳисобланади.

Инновацион менежментда бошқарув қарорларини қабул қилиш технологиясининг ўзига хос мураккаблиги мавжудки, фирма бозор стратегиясини белгилаётганда бу омил билан ҳисоблашиши даркор. Негаки, инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий асослари ўзига хос мураккаблик характериға эгадир.

Ихтиро ва кашфиётнинг ҳаётийлиги, реал бозор талаблари, истеъмолчиларнинг хошиш-истак ва имкониятларини ўзида акс эттира олганлиги билан ҳам бошқарув қарори янгиликнинг ҳаётий циклиға нисбатан муносабат билдиради.

Бунда инновацион стратегияни танлаш масаласи ҳам долзарблик касб этади. Инновацион стратегияни танлаш масаласи корхона ёки фирма учун бозорға нисбатан мавқе, стратегия яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Инновацион стратегиянинг назарий асослари инновацион менежментнинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб, инновацион стратегияни танлаш ва унга мос ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш корхона бошқарув тизимининг марказий вазифаси ҳисобланади.

Илмий техникавий ғоя, интеллектуал ақл-заковат маҳсули ва ноу-хау кашфиётлари нуқтаи назаридан инновацион стратегия тушунчаси бозорға товар (хизмат) таклиф этаётган корхона ёки фирманинг яқин истиқболда амалға ошириши мумкин бўлган илмий тадқиқотлари, лойихавий

изланишлари ва тажриба-конструкторлик ишлари соҳаларига тааллуқли бўлган позициясидир.

Инновацион стратегия ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра янги товар ишланмалари, лойиҳалари ва лаборатория ишлари мажмуини ифода этиш билан бирга корхона ва фирманинг рақобатли афзаллик, рақобат муҳитидаги мавқеи - рейтингини ҳам белгилаб беради.

Инновацион стратегияни танлашда корхона ва фирмалар бир қатор омилларни ҳисобга оладилар. Хусусан;

- корхона товар таклиф этаётган бозор характеристикаси (жойлашган географик ўрни, ундаги сегмент, истеъмолчиларнинг хатти-харакатлари, рақобат кураши ва рақобатчиларнинг бозорга нисбатан тутган стратегиялари);

- реал нарх-наво котировкаси, инфляция индекси ва унинг ўзгариш даражаси;

- бозорга кириб келиши мумкин бўлган янги рақобатчилар ва бозордаги рақобат кураши натижасида сиқиб чиқарилиши мумкин бўлган продуцентлар (ўхшаш, аналог - турдош товар ишлаб чиқарувчи корхоналар);

- худди шундай маҳсулотни бозорга импорт қилинишининг прогнози.

Юқоридагилардан ташқари товар ишлаб чиқарувчилар инновацион стратегияни танлашда бир қатор мезонлар ҳамда қоидаларга риоя қиладилар.

Инновацион бошқарувда стратегия танлаш бир қатор мезонларга таянади. Фанга оид илмий рисола ва махсус адабиётларда мазкур мезонлар куйидагича талқин этилади:

1. Инновацион мақсадларнинг мотивациялаштирилганлиги ва мақсаднинг қўйилиши.

2. Фундаментал тадқиқотлар.

3. Фан, илмий изланиш асослари.

4. Ишланмалар ва лойиҳаларнинг дастлабки яратилиши.

5. Ишланмаларнинг бозор талабларига мос келиши ва ўзида харидорларнинг дид ва хоҳишларини ўзида намоён эта олганлиги.

Хўжалик юритишнинг бозор шакли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасига юқори талаблар қўяди. Бу талаблар товар

ишлаб чиқаришнинг амалдаги босқичида ва замонавий иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида ишлаб чиқаришнинг **тежамлиги, ишончилиги ва фан сиғимлиги** каби тавсифлари билан аниқланади.

Инновацион менежментга ва бутун бир бошқарув фаолиятига мақсадга йўналтирилганлик, яъни рақобатбардошли маҳсулот яратиш мақсади бўйича ташкилий ва иқтисодий томонлама кўмаклашувчи, қолаверса мақсадга эришишни таъминловчи қарорлар қабул қилиш имконияти хосдир.

Инновацион стратегияни танлашда инновацион жараёнларнинг ва янгилик, ихтироларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун инновацияларнинг потенциал ва тараққийлашганлик даражаси етарлича юқори бўлса инновацион стратегия марказида бозорни кенгроқ даражада забт этиш масаласи ётади.

Инновацион стратегия корхонанинг глобал стратегияси сифатида ҳам қаралади. Негаки, инновацион стратегияни танлашда бир қатор мезонлардан фойдаланиладики, уларнинг амалий хусусияти корхонада рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқариши билан белгиланади. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, стратегия танланаётганда микромуҳит ҳам, макромуҳит ҳам тахлил қилинади. Хусусан, инновацион жараёнларни ташкил этилиш механизмига микро ва макромуҳит (кўлам)нинг таъсири ҳар томонлама комплекс ўрганилиб чиқилади.

Мазкур тахлил уч босқичда ўтказилиб, унда;

1-босқич: Муҳитни алоҳида омилларининг ҳолати ва таъсири тахлил қилинади.

2-босқич: Муҳитнинг тўла таъсири тахлил қилинади.

3-босқич: Муҳит таъсирининг тахлили жамланади ва сўнги хулосалар чиқарилади.

Демак, тахлил натижаларига қараб инновацион бошқарув қарори ишлаб чиқилади, натижада эса ишланма, лойиха, кашфиёт ёки инновацион ютуқнинг бозорга нисбатан стратегияси ишлаб чиқилади. Унда товарнинг яратилиш шартлари, технологияси, сифат параметрлари, харажатлар сметаси

(таннархи), сотилиш баҳоси ва реклама усуллари, сотишни рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхона ва фирмаларнинг инновацион стратегияларини танлаш вазифаси доимий тадқиқ қилинувчи, ўрганилувчи ва хал қилиб борилувчи масалалар сирасига киради. Бунда инноватор кадрлар доимий равишда марказий ўрин тутадикки, уларнинг фаолиятларидан тўғри фойдаланиш инновацион мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, Япониянинг машҳур "SHARP" фирмаси ИТТКИ хизматдаги 5 минг кишилиқ персоналдан 300 киши танлаб олиниб, уларни 10 кишилиқ гуруҳларга бўлиб уларга инновацион стратегияни танлаш, амалга ошириш ва фаолиятни такомиллаштириш ваколатлари берилган. Бундай тадбирнинг ғояси шундаки, бу гуруҳлар фаолияти компаниянинг юқори технологиялар яратиш бўйича ижодкорлик руҳини тўлдиради.

Миллий иқтисодиётда мулкчилик шаклларининг янги турларини қарор топиши, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида хўжалиқ юритишнинг янги усуллари юзага келиши ҳар бир корхона ва ташкилот олдида инновацион стратегияни танлашга алоҳида ёндошув билан қарашни инновацион муҳитни прогнозлаштириб боришни, инноватор кадрлар таркибига қўшимча тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ишларини топширишни ва натижада рақобатчи корхоналар товарларидан сифати, нархи ва сотилиш тартиби, хизмат кўрсатиш муддатлари, истеъмол хусусиятлари бўйича афзал бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори ўринга кўяди.

1.3 Инновацион жараёнларни амалга оширишнинг замонавий стратегиялари.

Сўнгги йилларда мамлакат миқёсида ҳар бир корхона фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши, уларга кўплаб имтиёзлар берилиши ва инновацион фаолиятни давлат томонидан рағбатлантирилиб борилиши иқтисодий ислохотларнинг ютуғи ва инновацион фаолиятни кўллаб қувватланишидир, қолаверса келажаги буюк мамлакат пойдеворининг мустахкамлана боришидан далолат беради.

“Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради”¹.

Инновацион жараёнларни амалга ошириш стратегияларини ишлаб чиқишнинг бош омили модернизациялаш жараёни эканлиги барчага маълум.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқироздан кейинги шароитда иқтисодиётни модернизациялаш муҳим ўрин тутди. Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиётдаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга иқтисодиётни модернизациялаш ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга

¹ И. А. Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи” 16.01.2016 йил.

оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

Шу ўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим ҳисобланади. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг борча соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади.

Бу борада Президент И.А. Каримов ўз маърузаларида кўп бора таъкидлаб, қуйидаги фикрларни билдирган: - “... мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда хал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устивор йўналиш – бу асосий етакчи корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш сиёсатини олиб боришдан иборат”.¹

Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар

¹ И.А. Каримов. “Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Т.: “Ўзбекистон” 2010 йил. 65-бет.

модернизацияланади». Фикримизча, бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормокда.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Замонавий модернизация жараёни жаҳондаги технологик ва ижтимоий ўзгаришларнинг импульси бўлиб хизмат қилувчи асосий, «ўзак» иқтисодиётларга нисбатан тенг ҳуқуқли мавқега эришишни англатади.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади.

Модернизация жараёнининг тавсифлари каторида шунингдек унинг қуйидаги тамойилларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) унинг мажмуавийлиги, яъни жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши;

2) унинг тизимийлиги, яъни жамият ҳаёти ҳар қандай таркибий қисми ёки яхлит соҳасининг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига олиб келиши. Масалан, маданий ва сиёсий ўзгаришлар иқтисодиётдаги ўзгаришларга олиб келади ва аксинча;

3) унинг глобал тавсифи – у дастлаб бир неча илғор мамлакатларда бошланиб, кейинчалик бутун дунёга ёйилмокда;

4) унинг давомийлик тавсифи – модернизация қисқа даврда рўй бермайди, балки у босқичларга бўлинади (ислохотларни амалга оширувчи етакчи гуруҳнинг пайдо бўлиши, ўзгаришларни илгари суриш, улар натижаларининг тарқалиши ва мустаҳкамланиши);

5) табақалашганлик тавсифи – модернизация турли мамлакатларда турлича рўй бериб, у ёки бу ҳолда миллий маданият ва ахлоқ анъаналарига

таянади (масалан, «япон иқтисодий мўъжизаси»), Ғарб ва Европа кадриятлари фойдасига улардан тўлиқ воз кечишни тақозо этмайди.¹

Умуман олганда, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Саноат корхоналарида инновация бўлимларини ташкил этиш, ҳамда уни фаолиятини ривожлантириш учун барча қулайликларни яратиш катта иқтисодий самара беради. Бу бўлимнинг фаолиятини ривожлантиришда қўйидаги қулайликларнинг яратилиши зарурлигини таъқозо этади: корхоналарда юқори малакали илмий-техник кадрларни, яъни мутахассисликка доир янгиликларни ярата олиш, уни ўзлаштириш ва амалга ошириш қобилиятларига эга мутахассисларни танлов асосида жалб этиш; жалб этилган кадрларга уларни қониқтирадиган даражада моддий ва ижтимоий шарот-шароитлар яратиш; жисмоний ёки юридик шахслар, олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари, халқаро ташкилотлар билан инновацияларни ривожлантиришда ҳамкорликни йўлга қўйишни кучайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Жумладан, корхонанинг муваффақияти ва рақобатбардошлигининг кафолати унинг фаолиятини самарали инновацион стратегик йўналишларда олиб бориш ҳисобланади. Инновацион фаолият бўйича оптимал стратегияни танлаш ушбу фаолиятни самарали бошқарувининг таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқаришдаги кўзланган даромад улушни кўпайтиради.

Инновация стратегиясини самаралигини танлаш тадқиқотларни олиб бориш, янги маҳсулотларни яратиш каби фаолият турлари билан бевосита боғлиқдир. Ушбу стратегия асосида стратегик режалаштириш, аввало, ресурсларни оқилона тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш, яъни корхона ресурсларини ташкил этувчи молиявий маблағлар, ишчи кучлар ва технологиялардан самарали фойдаланишни режалаштиришдан иборат. Шунингдек, инновация стратегияси асоси бўйича корхона фаолиятини ташқи

¹ www.moderniz.org.ru Конкурентоспособность и модернизация российской экономики.

муҳитдаги ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан режаларни тузиш ва амалга оширишни йўлга қўйиш зарур. Бунда режада ишлаб чиқилган чоратadbирларни амалга ошириш натижасида иш ўринларини яратиш, истеъмолга зарур бўлган маҳсулот ҳажмини қўпайтириш, аҳолини даромадини ошириш ва корхонанинг иқтисодий салоҳияти юксалади.


Инновацион стратегия назарий ва эмпирик (амалий) тадқиқотлар олиб боришнинг муҳим йўналиши бўлиб, уни амалга оширишда қабул қилган қарорлар янгиликлардан фойдаланиш даражаси бўйича стратегик ва молиявий самарадорлиги ўсиб боради. Шунинг учун раҳбарият янгиликларни қабул қилишига ижобий муносабатда бўлса, уни жорий этиш эҳтимоли юқори бўлади ва белгиланган стратегик мақсадга эришилади. Стратегик мақсадга эришишда аввал мақсад аниқ ва тўғри ифодаланиши, ташқи омилларнинг (мавжуд имкониятлар, хавф-хатар, рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонлари) таҳлилларини аниқ олиб бориш, шундан сўнг инновация стратегиясини танлаш зарур. Ҳозирги вақтда замонавий инновация стратегиялардан, яъни юқори самарага эга бўлган ҳужумкор, мудофаа, иммитацион (ўхшаш) стратегиялардан фойдаланиш корхоналар учун зарурдир. (1.3.1-расм).

Ҳужумкор стратегияда тадбиркор инновацион маҳсулотларни биринчилардан бўлиб ўзлаштиради ва бозорга олиб чиқади. Шу орқали тадбиркор ўз фаолиятининг рақобатбардошлигини оширади ва ўзи учун кўп даромад олишига имконият яратади.

Мудофаа стратегиясида илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини амалга оширишдаги бош вазифаси «харажат-натижа» нисбатларини жадаллаштириш ҳисобланади, яъни олиб бориладиган инновацион фаолиятнинг натижаларини истеъмолчилари аввалдан маълум бўлиши керак.

Иммитацион стратегиядан янгиликлардан фойдаланиш бўйича фаол бўлган корхоналар томонидан қўлланилади.

Стратегик турларни корхона ўз фаолиятидаги мақсад турини, иқтисодий потенциалини ва молиявий маблағларини, ташқи омилларни тўла қилинган таҳлиллари асосида танлаш зарур.



1.3.1 - чизма. Инновацион стратегия турлари.

Корхоналар фаолиятида инновацион стратегияни тўғри ва оқилона танлаш корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширади, шу билан бирга экспорт потенциалини кўтаради ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

Инновация доимий равишда ҳаракатда бўлувчи, янгиланиб турувчи иқтисодий ҳолатдир. Инновацион салоҳият иқтисодий ривожланишни илмий-техникавий ёки ишлаб чиқариш жараёнини амалий жиҳатдан тубдан янгилаш ва такомиллаштиришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиққан ҳолда, фундаментал илмий тадқиқотлар асосан иқтисодиёт тармоқларини самарали ривожлантириш бўйича тегишли иқтисодий сиёсатга асосланган ҳолда олиб бориш лозим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, корхоналар фаолиятида инновацияларнинг ўрни катта бўлиб, уларнинг инновацион стратегияларини шакллантириш ва корхоналар фаолиятига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

II-БОБ. “UZ DONG YANG CO” ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯНИ ШАКЛЛАНИШ ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ.

2.1 Корхона ташкилий-иқтисодий фаолияти тавсифи.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти фаровонлигини юксалтиришда саноат корхоналарининг, айниқса, қўшма корхоналарининг ҳиссаси беқиёсдир. Чунки, улар давлатлараро фойдали манфаатдорликни кўзлаган ҳолда, бир томондан хориж билан нафақат иқтисодий, балки маданий, тарихий, ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий каби кўплаб соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга имкониятини беради. Иккинчи томондан эса, хориж давлатларидан келтириладиган истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш ресурслари, хомашёлар, эҳтиёт қисм ва бутловчи деталларни ўзимизда ишлаб чиқариш орқали корхоналар ишлаб чиқариш циклининг узлуксизлиги ва доимийлигини таъминлаш билан, маҳсулот таннархининг арзонлаши, янги иш ўринлари яратилиши, импорт учун валюта сарфларини тежаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятини беради. Пировардида, миллий валютамизни товар билан таъминланганлиги ва кадрилини оширишга, бозорларимизни замонавий, жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдиришга ва аҳоли турмуш даражаси янада юксалишига эришилади.

“Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ҳам бугунги кунда иқтисодиётимизда ўз мавқеига эга бўлган корхоналардан бири бўлиб, ушбу корхона 1996 йилда Жанубий Кореянинг “Dong Kvang Tek Co. LTD” корхонаси ва “Ўзавтосаноат” Давлат акционерлик компанияси ўртасида имзоланган келишув асосида ўз фаолиятини бошлаган. Корхона “GM Uzbekistan” корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларучун ички қоплама деталлари ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашган.

Юқорида келтирилганидек бош корхона 1996 йилда ишга туширилган бўлса, 1997 йилда Андижон шахрининг Шимолий саноат худудида (собик Андижон мебель корхонаси худудида) корхонанинг филиали ишга туширилган. Шу билан бирга корхона ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда асосий истеъмолчи талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш мақсадида 2010 йилда Фарғона влоятининг Қўқон шаҳрида ҳамда Хоразм вилоятининг Питнак туманида корхонанинг филиаллари ташкил этилган.

2.1.1-жадвал

“Uz Dong Yang Co” МЧЖ томонидан ишлаб чиқариладиган бутловчи қисмлар ҳақида маълумот

Истеъмол-чи	Бутловчи қисмлар	Автомобил тури	Бош завод	Шимолий саноат худуди	Uz Dong Yang Фарғона	Питнак филиали	Жами
GM Uzbekistan ЁАЖ	Автомобил-лар учун ички бутловчи қисмлар	Дамас 150				31	31
		Нексия 150	14	32	4		46
		Матиз 150	8	11			19
		Спарк 300	56		35		56
		Кобалтъ	88	3			91
		Ласетти	4				4
Жами:			170	46	39	31	247
Uz Tong Xong CO	Ўриндиқ-лар учун ғилофлар	Дамас 150				7	
		Нексия 150	8				8
		Матиз 150	12				12
		Спарк 300	24				24
Жами			44			7	51
Хаммаси			214	46	39	38	337

Манба: “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти хисобот маълумотлари.

Корхонада NEXIA, MATIZ, SPARK, COBALT, LACETTI каби энгил автомобиллар учун гилам қопламалари, юкхона тўшамаси, ғилдирак бўлмаларига қопламалар, асосий орқа панеллар, асосий шифт панеллари, эшиклар учун ички қопламалар, асбоблар панеллари ва уларнинг бутловчи қисмлари, ўриндиқлар ва бош қўйгичлар учун ғилофлар ҳамда бошқа турдаги жами 337 турдаги ички бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. (2.1.1-жадвал)

“Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси Жанубий Кореянинг илғор корхоналардан бўлган “Dong Kvang Tek Co. LTD” технологиялари ва “Хосунг” компанияси томонидан тайёрланган пресслаш ускуналари ҳамда Япония ва Германи давлатларида ишлаб чиқарилган ускуна ва жихозлар билан жиҳозланган. (2.2.2-жадвал)

2.2.2-жадвал

“Uz Dong Yang Co” МЧЖнинг асосий ишлаб чиқариш жиҳозлари хақида маълумот

№	Жиҳоз номи	Сони	Ишлаб чиқарган давлат
1	Прес ускунаси	14	Жанубий Корея
2	Маҳсулот йиғиш линияси	1	Жанубий Корея
3	Door trim assemblu line	6	Жанубий Корея
4	JUKI тикув машиналари	93	Япония
5	Vibration welding	3	Жанубий Корея
6	Lazer scoring machine	1	Германия
7	PROGUT XL 7501 русумли кўп қаватли бичиш ускунаси	2	Германия
8	Термопласт автомат	34	Жанубий Корея
9	Карпет линияси	1	Жанубий Корея

Манба: “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти хисобот маълумотлари.

Қўшма корхонанинг “Dong Kvang Tek Co. LTD” заводларида ўз малакаларини ошириб қайтган ишчи-ходимлари ўзларининг касбий маҳоратларини юқори даражадалиги билан ажралиб турадилар.

Корхонада ҳалқаро даражадаги сифатни бошқариш тизими жорий этилган бўлиб, бунга корхона томонидан олинган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган ISO 9001:2008, ISO 14001:2004, OHSAS 18001:2007 ва ISO/TS

16949:2008 каби сифат сертификатларини келтириш мумкин. Бунинг натижасида корхонада махсулот сифатини назорат қилиш тизими халқаро талаблар даражасига етказилиб ISO талабларига мувофиқ сифат бошқаруви йўлга қўйилган. Ушбу тизим кўп чиғириқли назорат талабларини ўзида мужассамлаштириб, хом ашё сифатини, унинг кириб келишидан тортиб, то корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр махсулотларгача жараёнлар назоратини ўз ичига олади.

“Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамиятининг асосий истеъмолчилари сифатида “GM Uzbekistan” автомобил корхонасини ҳамда автомобил ўриндиқлари ишлаб чиқарувчи “Uz Tong Xong CO” қўшма корхоналарини эътироф этиш мумкин. Юқорида зикр этилган асосий истеъмолчилардан ташқари, корхонада ишлаб чиқарилган махсулотларнинг маълум қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи сервислар ва савдо фирмалари томонидан реализация қилинади.

Корхонада дастлаб жами 507 ишчи ва хизматчилар меҳнат қилган. Хисобот йилида уларнинг сони 940 кишини ташкил этган.

Корхона томонидан ишчи-хизматчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида махсус кийимлар берилади, уларни ишга келиб кетишлари учун махсус транспортлар ажратилган, кунда бир маҳал иссиқ овқат берилади, шу билан бирга меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш меъёрлари талабларига амал қилинган ҳолда бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқарилган.

Ишчи ходимларни тўлақонли дам олишлари ва хордиқ чиқаришлари учун корхона ҳудудида ва унга тегишли спорт мажмуасида махсус спорт хоналари ва майдонлари мавжуд бўлиб, бу ерда мунтазам равишда корхона ишчи ходимлари, цехлар, бўлимлар ўртасида, спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, футбол ва волейбол каби турлари бўйича турли мусобақалар мунтазам равишда ўтказилиб келинади.

Корхона ишчи ходимларини ижтимоий химоялаш йўлида ҳам самарали ишлар амалга оширилиб, уларни сихатгоҳ ва дам олиш масканларига

жўнатиш мақсадида Фарғона водийсидаги мавжуд сихатгоҳлар билан шартномалар тузилган.

Корхоналар фаолиятини муваффақиятини таъминлашда унинг бошқарув структурасининг қандай ташкил этилганлигига беъвосита боғлиқдир. «Uz Dong Yang Co» МЧЖининг бошқарув структурасини кўриб чиқадиган бўлсак (2.1.1-расм), унинг бош органи бўлиб акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади.

Улар корхона акцияларининг ҳақиқий эгалари ҳисобландилар ва ўзига тегишли мулкка эгалик қилади. Умумий йиғилиш қуйи икки бўғин орқали бошқарувни олиб боради. Булар жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясидир. Бу икки орган бир-бирининг ишини тўлдириб боради. Жамият кузатув кенгаши узлуксиз равишда хўжаликнинг фаолиятини таҳлил қилиб боради. Йўл қўйилган камчиликларни эса тафтиш комиссияси аниқлайди. Тафтиш комиссияси ҳеч қайси бўғинни бошқармайди, ўзи алоҳида равишда тафтиш натижалари бўйича маълумотни акциядорларнинг умумий йиғилишига беради.

Юқорида келтирилганидек "Uz Dong Yang Co" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона бошқаруви ўзига хос ташкил этилган. Энг олий бошқарув органи акциядорлар умумий йиғилиши ҳисобланади. Корхона кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси орқали бошқарувни олиб бордилар. Кузатув кенгаши 3 кишидан иборат.

Корхонанинг ижро органи жамият кузатув кенгашининг қуйи бўғини бўлиб, у жамиятда қабул қилинган қарорлар ва нормативлар ҳамда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат қилади. У ўз навбатида бу ишларни бош директор орқали амалга оширади. Корхонанинг кузатув ва бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш бўғинлари, шунингдек бўлимлари жуда ҳам аниқ режалаштирилган.

Қўшма корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарликни ижроия орган амалга оширадиган бўлиб, асосий жавобгар бош директор ҳисобланади. «Uz Dong Yang Co» МЧЖининг бош директори корхона фаолиятини назорат

килиб, улар фаолиятиги оид бошқарув қарорларини қабул қилади, корхона низомида келтирилган фаолият доирасида ҳаракат қилади.

Корхона директориға бош директор ўринбосари ва техник директор беввосита бўйсунди.

Бош директор ўринбосари бош корхона ва филиалларида белгиланган барча қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, кадрларни ишга қабул қилиш, жойлаштириш ҳамда ишдан бўшатиш бўйича таклифларни бош директорга киритиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда бош директорга кўмаклашиш, умумий ижро ва меҳнат интизомини назорат қилиш ва бошқа ваколатларга эга бўлиб бош директор бўлмаганда унинг вазифасини вақтинча тўлиқ бажаради.

Корхона техник директори асосан бош корхонада барча ишлаб чиқариш, техника ва технологияларининг белгиланган тартибда ишлашини ташкил қилиш ўз ваколати доирасида белгиланган барча қонуний хатти-ҳаракатларни назорат қилади ва бошқаради. Улар таркиби қуйидагилардан иборат:

- барча техник ва технологик жараёнларнинг тўғри кетма-кетлиги ва даврий равишда амалга оширилишини назорат қилади;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур моддий, молиявий ва бошқа ресурсларнинг оқилона нисбатларини ташкил этилишини таъминлайди;
- асосий ва ёрдамчи ишлардаги ишчилар ва техникаларга белгиланган нормаларнинг бажариб борилиши ва асосланганлигига жавоб беради;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тегишли меъёрий ҳужжатларга, стандарт талабларига мувофиқлигига жавобгар;
- ишчи-ходимларнинг ички меҳнат интизоми ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этишларини назорат қилади;
- технологик жараёнларни такомиллаштириш, ресурсларни тежаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича бош директор ва унинг ўринбосарига таклифлар киритади;
- бош директор ва унинг ўринбосари бўлмаганда уларнинг вазифасини вақтинча тўлиқ бажаради;

– ваколати доирасида зиммасига юклатилган бошқа кўшимча қонуний вазифаларни бажаради.

Ўз навбатида корхонанинг бошқарув структурасида Тошкент шаҳри вакиллиги мавжуд бўлиб, вакилликнинг асосий вазифаси корхонанинг халқаро алоқаларини юритиш, Ўзбекистон Автосаноат компанияси томонидан қабул қилинаётган қарорларни ўз вақтида корхона фаолиятига тадбиқ этиш ҳамда у билан доимий алоқада бўлиш ва бошқалар.

Юқоридагилар билан бир қаторда бош директорга маъмурият, таъминот, режалаштириш, бухгалтерия, қўриқлаш ҳамда техника ва ёнғин хавфсизлиги бўлимлари бўйсунди.

Техник директорга бевосита ишлаб чиқариш бўйича раҳбар бўйсунгани ҳолда унинг тасарруфига штамповка цехи, тикув цехи, етказиб бериш бўлими, механика бўлими ва ишлаб чиқариш цехлари бўйсуниб, ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ваколотида мазкур бўлинмаларнинг фаолиятини бевосита ташкил этиш ва назорат қилиш ишлари киради. Бундан ташқари техник директорга техника, сифат, техник хизмат бўлимлари ҳам бевосита бўйсунди.

Корхона режалаштириш бўлимлари олинган маълумотларни тахлили асосида корхона келгуси фаолияти асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларга эришиш йўллари аниқлайди. Корхона молиявий маблағлари ҳаракати бухгалтерия бўлими орқали амалга оширилади. Шу билан бирга корхона моддий маблағлари, моддий ҳамда молиявий ресурсларнинг ҳисоби, ҳаракати, эскириши ва ҳолатини белгиланган тартибда, тегишли ҳужжатлар асосида юритади ва ташкил этади.

Корхонадаги маъмурият бўлими таркибида кадрлар бўлими, умумий бўлим, ҳуқуқшунос ва таъмирлаш – қурилиш бўлимлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси корхона умум фаолиятинини ташкил этиш ва юритишда ўзига хос ўринга эгадир.


Ҳуқуқшунослик ва ходимлар бўлимлари бевосита бошлиқ ўринбосарига ҳисоб бериб, ўз ваколоти доираси барча ҳужжатлар ва ёзишмалар, иш

юритиш ҳужжатларининг ҳисоби ва қайд этилиши ҳамда қонуний расмийлаштирилишини таъминлайди.

Ўрганиб чиқилган бошқарув структураси функционал-чизиқли структура бўлиб, корхона фаолиятининг асосий мақсадлари ва вазифаларига мос келади ҳамда ишлаб чиқаришни натижавий бошқаришга имкон яратади.

"Uz Dong Yang Co" МЧЖнинг ташкилий-иқтисодий фаолиятини ўрганиш давомида, унинг фаолияти замонавий корхоналарга мос ҳолда тузилганлигини кўришимиз мумкин.

Қўшма корхонада инновацион стратегияни шакллантириш ва жорий этиш, уларнинг самарадорлиги каби ҳолатларни ўрганишдан аввал, корxonанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.



2.1.1- расм. «Uz Dong Yang Co» МЧЖнинг бошқарув структураси

2.2 Корхона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти тахлили.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖнинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш учун корхонанинг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда биринчи навбатда корхонанинг асосий маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини микдор ва қийматини ўзгариш динамикасини охириги 3 йил давомида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида корхонанинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини ўрганишдан аввал унинг ишлаб чиқариш хажмига оид маълумотлар тахлил қилинди. (2.2.1 - жадвал).

Юқорида келтирилганидек корхонада NEXIA, MATIZ, SPARK, COBALT, LACETTI каби енгил автомобиллар учун гилам қопламалари, юкхона тўшамаси, ғилдирак бўлмаларига қопламалар, асосий орқа панеллар, асосий шифт панеллари, эшиклар учун ички қопламалар, асбоблар панеллари ва уларнинг бутловчи қисмлари, ўриндиклар ва бош кўйгичлар учун ғилофлар ҳамда бошқа турдаги жами 337 турдаги ички бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади.

2015 йилда корхона томонидан жами 5016786 дона турли хил ички бутловчи қисмлар ва автомобил ғилофлари ишлаб чиқарилган, уларнинг асосий қисмини, яъни 4882000 тасини ички бутловчи қисмлар, 123336 тасини комплект автомобил ғилофларини ва 11450 тасини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил этган. Кўриниб турибдики корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бутловчи қисмлар ташкил қилади. Ушбу маҳсулотлада асосий улушни Кобальт автомобили учун ишлаб чиқарилаётган ички бутловчи қисмлар ҳисобланиб, улар корхона томонидан жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментида 36,8 фоизни ташкил этади, яъни 337 турдаги ички бутловчи қисмларнинг 91 хилдагиси айнан ушбу автомобил учун мўлжалланган. Хаттоки узоқ муддатдан буён ишлаб чиқарилаётган Нексия автомобили учун ҳам 46 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилиши Кобальт автомобили учун

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг корхонада улуши қанчалик юқорилигини кўрсатади.

Корхона томонидан 2015 йилда 5016786 минг донада маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилларга нисбатан камайганлигини кўришимиз мумкин. 2015 йилда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2014 йилга нисбатан 2945646 тага камайиб, 63 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 3087914 тага камайиб, 61,9 фоизга тўғри келган. Ушбу ҳолатни маҳсулотлар кесимида кўрадиган бўлсак, 2015 йилда корхона томонидан 4882000 дона ички бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилган, бу 2014 йилга нисбатан 2922000 донага кам бўлиб, 62,6 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 3065400 донага камайиб, 61,4 фоизга тўғри келган. Ушбу ҳолатни маҳсулотлар улушида кўриб чиқишда қуйидагиларга гувоҳ бўламиз. 2015 йилда Дамас автомобили учун 758200 дона бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилиб, бу 2014 йилга нисбатан 178282, 2013 йилга нисбатан эса 195488 тага камайган ва мос равишда 81 ҳамда 79,5 фоизни ташкил этган. Нексия автомобили учун 2015 йилда 1120200 дона бутловчи қисм тайёрланган бўлсада, бу 2014 йилга нисбатан 362560 донага камайган ва 75,5 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 389806 донага қисқариб 74,2 фоизга тўғри келган. Матиз автомобили учун 431500 дона, Спарк учун 1074040 дона бутловчи қисмлар чиқарилган бўлсада уларнинг ҳажми 2015 йилда аввалги йилларга нисбатан пасайган. Энг катта пасайиш Кобальт автомобили учун ишлаб чиқариладиган бутловчи қисмлар ҳажмида кузатилган, яъни 2015 йилда 1400640 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлсада, бу 2014 йилга нисбатан 1518056 донага камайиб, 48 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 1571688 донага оз бўлган ва 47,1 фоизга тўғри келган. Лассети учун 2015 йилда 97420 дона бутловчи қисм тайёрланган бўлса, бу 2014 йилга нисбатан 27444 тага, 2013 йилга нисбатан эса 29738 тага камайган ва мос равишда 78,0 ҳамда 76,6 фоизларни ташкил этган.

Корхонанинг яна бир турдаги маҳсулоти бўлган автомобиллар учун ғилоф ишлаб чиқариш ҳажми ҳам аввалги йилларга нисбатан

камайганлигини айтишимиз мумкин. 2015 йилда жами 123336 комплект ғилоф ишлаб чиқарилиб, бу 2014 йилга нисбатан 21696 тага камайган ва 85 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 21164 тага оз бўлиб, 85,4 фоизга тўғри келган.

Ушбу ҳолатларни корхонада ишлаб чиқарилаётган бошқа турдаги маҳсулотларда ҳам кўришимиз мумкин.

Аввалги бўлимларда айтганимиздек “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамиятининг асосий истеъмолчилари “GM Uzbekistan” автомобил корхонасини ҳамда автомобил ўриндиқлари ишлаб чиқарувчи “Uz Tong Xong CO” қўшма корхоналари ҳисобланади. Бу эса корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажмига ҳам таъсир қилиб, “GM Uzbekistan” ЁАЖнинг автомобил ишлаб чиқариш режасига боғлиқдир. Шу билан бирга корхонада ишлаб чиқарилаётган бутловчи қисмлар улушида Кобальт автомобили учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бошқа турдаги автомобилларга нисбатан кескин камайишига сабаб сифатида “GM Uzbekistan” ЁАЖда Кобальт ишлаб чиқарилишини бир мунча пасайгани бўлиб, корхонада бу автомобил учун ишлаб чиқариладиган ички бутловчи қисмлар бошқаларга нисбатан кўплиги, унинг умумий ҳажмига таъсир қилган. Албатта ушбу ҳолат корхонанинг умумий фаолиятига таъсир қилиб, иқтисодий кўрсаткичларини тушишига олиб келган. (2.2.2-жадвал)

Унга кўра корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми миқдор кўрсаткичларида 2015 йилда кескин тушган бўлсада, уни ишлаб чиқариш ҳажми қиймат кўринишида 2013 йилга нисбатан бир мунча ошган. Хусусан, корхонада 2015 йилда 150346470 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 39987404 минг сўмга камайган ва 79 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан юқорида айтилганидек 113956 минг сўмга ортиб, 100,8 фоизга тўғри келган. Бунга асосий сабаб сифатида инфляция ҳисобига хом ашё, хизматлар, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ва бошқаларнинг нархларини ўзгаришини айтишимиз мумкин.

**"Uz Dong Yang Co" масъулияти чекланган жамиятнинг маҳсулот ишлаб
чиқариш кўрсаткичлари таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2014 йилга нисбатан фарқи		2015 йилда 2013 йилга нисбатан фарқи	
						(+ ; -)	%	(+ ; -)	%
1	Дамас 150	дона	953688	936480	758200	-178280	81,0	-195488	79,5
2	Нексия 150	дона	1510006	1482760	1120200	-362560	75,5	-389806	74,2
3	Матиз 150	дона	635792	624320	431500	-192820	69,1	-204292	67,9
4	Спарк 300	дона	1748428	1716880	1074040	-642840	62,6	-674388	61,4
5	Кобальт	дона	2972328	2918696	1400640	-1518056	48,0	-1571688	47,1
6	Ласетти		127158	124864	97420	-27444	78,0	-29738	76,6
	Жами ички бутловчи қисмлар	дона	7947400	7804000	4882000	-2922000	62,6	-3065400	61,4
7	Дамас 150	комплект	12610	12730	10620	-2110	83,4	-1990	84,2
8	Нексия 150	комплект	18520	18680	15730	-2950	84,2	-2790	84,9
9	Матиз 150	комплект	28240	28360	24446	-3914	86,2	-3794	86,6
10	Спарк 300	комплект	85130	85262	72540	-12722	85,1	-12590	85,2
	Жами ғилофлар	комплект	144500	145032	123336	-21696	85,0	-21164	85,4
11	Бошқалар	дона	12800	13400	11450	-1950	85,4	-1350	89,5
	ХАММАСИ	дона	8104700	7962432	5016786	-2945646	63,0	-3087914	61,9

Манба: "Uz Dong Yang Co" МЧЖнинг охириги уч йиллик ҳисобот маълумотлари.

2015 йилда корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 118759853 минг сўмни ташкил этган, бу эса 2014 йилга нисбатан 24942222 минг сўмга кам бўлган ва 82,6 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 5362605 минг сўмга кўпайган ва 104,7 фоизга тўғри келган. Маҳсулот таннархини 2014 йилга нисбатан камайганлигини сабаби маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин пасайганлиги билан изоҳланади, 2013 йилга нисбатан ҳам маҳсулот кам ишлаб чиқарилиб харажатларни ошганлиги эса юқорида айтилганидек шу давр оралиғида хомашё, меҳнат харажатлари ва коммунал тўловлар каби соҳалардаги нарх-навони ошиши билан изоҳланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари билан мос равишда корхонада давр харажатлари ҳам сўнги йилларда турлича кўриниш ҳосил қилган. 2015

йилда корхона давр харажатлари 17475196 минг сўмга тенг бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 767960 минг сўмга камайган ва 95,8 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 949775 минг сўмга кўп бўлиб, 105,7 фоизга тўғри келган. 2014 йилга нисбатан давр харажатлари камайган бўлсада, уларнинг маҳсулот таннархидаги улуши юқорилигини сақлаб қолган, фақат бу ерда ишлаб чиқариш хажмини камайиши ҳисобига бир мунча бу турдаги харажатлар қисқаргандек кўриниш олган. 2013 йилга нисбатан бу кўрсаткич ошганлигини айтишимиз мумкин.

Давр харажатларининг ортиб кетиши салбий ҳол бўлиб, якуний молиявий натижаларга таъсир кўрсатади. Қўшма корхонада давр харажатларининг бундай ортиши асосан маъмурий харажатлар ҳисобига юз берган бўлиб, корхона раҳбарияти бу йўналишда бошқарув самарадорлигини ошириш ва маъмурий харажатларни мақсадга мувофиқ даражасини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширишлари зарур.

Корхонанинг техник потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич – бу фонд қайтими кўрсаткичи бўлиб, 1 сўмлик асосий воситалар ҳисобига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмини кўрсатади. Биз ўрганиб чиққан корхонада асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати ҳам йилдан-йилга ортиб борганини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2013 йилда асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 16890842 минг сўм бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 21861027 минг сўмни, 2015 йилда эса 21979738 минг сўмни ташкил этган. Бу нарса бир тарафдан, корхонага янги жиҳоз ва ускуналар ўрнатилгани билан изоҳланса, иккинчи томондан, асосий воситаларнинг қайта баҳоланганлиги муносабати билан уларнинг қиймати ортиб борган. Асосий воситаларнинг қиймати ортиб борган бўлсада ишлаб чиқариш хажмининг камайиши улардан фойдаланиш самарадорлигини ҳам пасайишига олиб келган. Жадвалдан кўришиб турганидек, 2015 йилда фонд қайтими 6,8 сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 1,9 сўмга, 2013 йилга нисбатан эса 2,0 сўмга камайган ва мос ҳолда 78,2 ва 77,3 фоизга тўғри келган. Бу ҳолат корхонада ишлаб чиқариш

воситаларидан фойдаланиш даражасини ҳисобот йилида аввалги йилларга нисбатан камайганлигидан далолат беради.

Қўшма корхонанинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларини кўрадиган бўлсак, ходимлар сони сўнги йилда аввалги йилларга нисбатан кескин ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин.

2015 йилда корхонада жами 940 нафар ишчи ходим меҳнат қилган, буларнинг 75 нафарини инженер техник ходимлар, 865 нафарини эса ишчилар ташкил этган. 2015 йилда жами ходимлар сони 2014 йилга нисбатан 1 кишига, 2013 йилга нисбатан эса 10 кишига ошган ва мос равишда 100,1 ҳамда 101,1 фоизларни ташкил этган.

Корхонада ходимлар сони ошган бўлсада, меҳнат унумдорлиги камайган. Меҳнат унумдорлиги билан саноат ишлаб чиқариш ходимлар сони ўзгариши ўртасида боғланишни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига меҳнат унумдорлиги ортиши каби сифат кўрсаткич ўзгариши билан бирга, ишловчилар сони ўзгариши каби сон кўрсаткич таъсирини ҳисобга олиш керак. Албатта, сифат кўрсаткичи таъсирини ошириш бугунги шароитларда муҳим вазифадир. Лекин, афсуски корхонада сўнги йилларда камайган ва қуйидагича кўриниш ҳосил қилган. 2015 йилда корхонада меҳнат унумдорлиги 159943 минг сўмга тўғри келган, бу эса 2014 йилга нисбатан 42755,5 минг сўмга кам бўлиб, 78,9 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 494,5 минг сўмга камайиб 99,7 фоизга тўғри келган. Бу ҳолат ўз навбатида бир саноат ходимига тўғри келадиган меҳнат унумдорлигида ҳам ўз аксини топган.

Корхона ишчи ходимларининг сони сўнги йилларда нисбатан ўзгаришсиз бўлган бўлсада, меҳнат унумдорлигини тушишига сабаб сифатида ишлаб чиқариш ҳажмини камайганлигини кўрсатиш мумкин.

Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири иш ҳақи кўрсаткичлари ҳисобланади, 2015 йилда корхонанинг иш ҳақи фонди 9440632 минг сўмни ташкил этган, бу 2014 йилга нисбатан 3483803 минг сўмга камайган ва 73,0 фоизга тўғри келган, 2013 йилга нисбатан эса 1761693 минг сўмга камайиб 84,3 фоизни ташкил этган. Сўнги йилларда корхонанинг

иш ҳаққи фонди сезиларли равишда камайган бўлиб, бу ўз навбатида корхонанинг ўртача ойлик иш ҳаққини ҳам пасайишига сабаб бўлган. 2015 йилда бир ойлик ўртача иш ҳақи 836,9 минг сўмга тўғри келган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 310,1 минг сўмга камайган ва 73,0 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 166,9 минг камайиб, 83,4,6 фоизга тўғри келган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми камайиши ўз навбатида корхона иш ҳақи фондини ҳам пасайишига олиб, келган бу эса ўз-ўзидан ўртача иш ҳақи миқдорини ҳам тушишига сабаб бўлган. Бу ерда иш ҳажмига нисбатан ишчилар сонини кўплиги ҳам бу каби кўрсаткичларни тушишига, ҳамда меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келган. Мамлакатимизда мавжуд қонунчилик ва ижтимоий ҳимоя масалалари корхона ишчи ходимларини кескин қисқартиришни олдини олиб, уларни қисқа муддатли таътиллار бериш ва навбати билан ишга жалб этиш усули орқали корхонада банд бўлишларига эришилмоқда.

Юқоридаги ҳолат қўшма корхонада ишловчи ходимларни ишга бўлган муносабатларини ўзгаришига ҳам сабаб бўлиб, кадрлар қўнимсизлигини ошишига сабаб бўлмоқда. 2015 йилда кадрлар қўнимсизлиги 8,1 фоизга тенг бўлиб бу ўтган 2014 йилга нисбатан 2,3 даражага, 2013 йилга нисбатан эса 3,9 даражага ортган.

Корхонанинг сўнги йилдаги фаолиятидаги салбий кўрсаткичлар унинг соф фойдасини ҳам аввалги йилларга нисбатан камайишига олиб келган. 2015 йилда корхонанинг соф фойдаси 5516706 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, 2014 йилга нисбатан бу кўрсаткич 2584919 минг сўмга камайган ва 68,1 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 2140252 минг сўмга камайиб 72,0 фоизга тўғри келган.

Бу эса ўз навбатида корхонанинг рентабеллик даражасида ҳам ўз аксини топган, жумладан, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 4,6 фоизга тўғри келган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 1,0 даражага ва 2013 йилга нисбатан эса 2,1 даражага камайган. Бунинг сабаби юқорида келтирилганидаек маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайган бўлсада унинг харажатлари ошганлиги,

асосий фондлардан тўла фойдаланмаслик, меҳнат ресурслари, яъни ишчи ходимларни иш хажмига нисбатан кўплиги ва бошқалардир.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, қўшма корxonанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижалари сўнги йилларда бир мунча пасайган бўлиб, ушбу ҳолатни яхшилаш йўлида корхона раҳбарияти мавжуд имкониятларни излаб топиши ва бу борада изланишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

"Uz Dong Yang Co" масъулияти чекланган жамиятнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2014 йилга нисбатан фарқи		2015 йилда 2013 йилга нисбатан фарқи	
						(+ : -)	(%)	(+ : -)	(%)
1	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	минг сўм	149206905	190333874	150346470	-39987404	79,0	1139565	100,8
2	Маҳсулот таннарихи	минг сўм	113397248	143702075	118759853	-24942222	82,6	5362605	104,7
3	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	16890842	21861027	21979738	118711	100,5	5088896	130,1
4	Фонд қайтими	сўм	8,8	8,7	6,8	-1,9	78,2	-2,0	77,3
5	Саноат и/ч ходимлари ўртача сони, шу жумладан	киши	930	939	940	1	100,1	10	101,1
	Инженер-техник ходимлар	киши	76	76	75	-1	98,7	-1	98,7
	Ишчилар	киши	854	863	865	2	100,2	11	101,3
6	Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	160437,5	202698,5	159943,05	-42755,4	78,9	-494,5	99,7
	Шу жумладан 1 саноат ходимиغا	минг сўм	174715,3	220549,1	173810,9	-46738,2	78,8	-904,4	99,5
7	Кадрлар қўнимсизлиги	%	4,2	5,8	8,1	2,3		3,9	
8	Иш ҳақи жамгармаси	минг сўм	11202325	12924435,0	9440632,0	-3483803	73,0	-1761693	84,3
9	Ўртача ойлик иш ҳақи	минг сўм	1003,8	1147,0	836,9	-310,1	73,0	-166,9	83,4
10	Давр харажатлари	минг сўм	16525421	18243156	17475196	-767960	95,8	949775	105,7
11	Соф фойда	минг сўм	7656958	8101625	5516706	-2584919	68,1	-2140252	72,0
12	Рентабеллик	%	6,8	5,6	4,6	-1,0		-2,1	

Манба: "Uz Dong Yang Co" МЧЖнинг охириги уч йиллик ҳисобот маълумотлари.

2.3 Корхонада инновацион стратегиялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.

Жахонда рўй берган молиявий – иқтисодий инқироз таъсирини камайтиришга қаратилган мамлакатимиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган дастурни бош мақсади мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу борада модернизациялаш ва диверсификациялаш масалаларига устуворлик амалга оширилаётган ислохотларнинг бош омили эканлиги эътироф этилмоқда. Албатта бу каби чора-тадбирларни муваффақиятини таъминлашда корхоналар фаолиятида инновацион стратегияларнинг ишлаб чиқилганлиги муҳим омиллардан ҳисобланади.

“Uz Dong Yang Co” корхонасида инновацион стратегиялардан фойдаланиш ҳолати, корхонада инновацияларни жорий этилиши ва бу фаолиятнинг ташкил этиш борасида сўнги йилларда амалга оширилаётган фаолиятни ўрганиш давомида бир қатор маълумотларга эга бўлдик.

Аввало шуни айтиш зарурки, “Uz Dong Yang Co” корхонасида ҳам инновацион фаолиятга “GM-Uzbekiston” ЁАЖ ва унга бутловчи қисмлар етказиб берувчи барча корхоналарда бўлгани каби муҳим йўналиш сифатида эътироф этилади. Корхонада сўнги йилларда мавжуд технологиялар модернизация қилиниб янги, замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилмоқда, корхонанинг янги филиалларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш қувватлари оширилмоқда.

Корхонада инновацион стратегияларни фойдаланиш йўналишида сўнги йилларда амалга оширилган фаолиятни ўрганиш давомида қуйидагиларни маълумотларга эга бўлдик. (2.3.1-жадвал).

Корхона ривожланишига қаратилган инновацион стратегиялар корхонадаги режа бўлими ва унинг таркибидаги ривожланиш маркази томонидан ишлаб чиқилиб корхона бошқаруви томонидан мувофиқлаштирилади.

Корхонада инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш уч йўналишда амалга оширилиб, булар 1) техник ва технологик, 2) ташкилий, 3) тижорий йўналишлардир.

Корхона фаолиятининг асосий йўналиши ишлаб чиқариш бўлганлиги сабабли асосан техник инновациялар, яъни янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, реконструкция ишларига устуворлик берилишига гувоҳ бўлдик.

2015 йилда корхона томонидан техник инновациялар бўлган, яъни янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш йўналишига 3130875 минг сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 2309339 минг сўмга кўп бўлган ва 3,8 баробарга кўпайган, 2013 йилга нисбатан эса 1789751 минг сўмга кўп бўлиб 2,3 баробарга ошган.

2015 йилда бу соҳага сарфланган маблағларнинг аввалги йилларга нисбатан кўплиги Т-250 русумидаги янги турдаги автомобил учун йилига 30 мингта бутловчи қисмларни ишлаб чиқиш лойиҳасини жорий этишга қаратилган изланишлар ва тадқиқотлар ҳамда технологияларни олиб келиш, ўрнатиш ишлари билан асосланади. Ушбу лойиҳа техник инновацияларга сарфланган маблағларнинг асосий қисмини ташкил этган. Тахлил маълумотларидан кўриниб турибдики 2013 йилда 2014 йилга нисбатан бу йўналишда сарфланган маблағлар миқдори кўп бўлган, бунга сабаб 2013 йилда корхона томонидан Кобольт автомобили учун ички бутловчи қисмларни тайёрлаш йўналишида бир қатор янгиликлар жорий этиш ишлари устида тадқиқотлар олиб борилган ва унга мос технологиялар ўзлаштирилган.

Инновацион стратегия йўналишларидан яъна бири бўлган ташкилий йўналишдаги инновациялар корхоналар фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи соҳалардан ҳисобланади. Ходимлар соғлигини назорат қилиш ишларини ташкил этилиши ижтимоий йўналишдаги ташкилий инновациялардан бири бўлиб, корхонада бу мақсадларга 2015 йилда 60127 минг сўм миқдорида маблағ сарфланган, бу 2014 йилга нисбатан 8820 минг

сўмга камайган ва 87,2 фоизга тўғри келган, 2013 йилга нисбатан эса 3087 минг сўмга камайиб, 95,1 фоизни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики корхонанинг 2015 йилги иқтисодий ҳолати бу соҳага ҳам таъсир қилиб, ушбу йўналишга маблағ ажратилишини қисқаришига сабаб бўлган. Ушбу соҳага етарлича эътибор қаратишга эришиш, корхона ишчи - ходимларини ишга бўлган муносабатларини ошишини таъминлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошишига имкон яратади.

Корхона фаолиятини ижобий бўлишини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи корхона ишчи – ходимларини ўз устида ишлашларини рағбатлантириш, янгиликлар киритишларини қўллаб-қувватлаш ва малакаларини оширишни ташкил этиш борасида сўнги йилларда ижобий ишлар олиб борилагн. 2015 йил давомида бу йўналишда 24705,2 минг сўм сарфланган, бу 2014 йилга нисбатан 484,5 минг сўмга кўп ва 102 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 1660,2 минг сўмга ортиб 107,2 фоизга тўғри келган. Фикримизча, ҳозирги билимлар тез эскираётган даврда корхонада ходимларнинг малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини шакллантириш зарур бўлиб, бу йўналишга эътиборни янада ошириш зарур ҳисобланади, чунки инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва корхона фаолиятига жорий этишда бир неча ходимларгина фаолият юритадилар ҳолос, уни амалиётда қўлланилишида эса корхонанинг барча ишчи-ходимлари иштирок этади, бу эса уларни ҳам ушбу янгиликлардан доимий равишда баҳобар бўлишликлари заруриятини туғдиради. Бунда эса малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ўрни ва аҳамияти юқори ҳисобланади. Юқоридагилар билан бирга шуни ҳам айтиш керакки охириги 3 йилда корхона ишчи-ходимлари хорижда малака оширишга юборилмаган.

Корхонада маҳсулот сифатини такомиллаштиришга қаратилган инновациялар, сифатни таъминлашда барча жараёнларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш тадбирларига 2015 йилда 131623 минг сўм сарфланган, бу 2014 йилга нисбатан 1376 минг сўмга ошган ва 101,1 фоизга тўғри келган, 2013 йилга нисбатан эса 8588 минг сўмга кўпайиб, 107,0 фоизни ташкил этган. Ушбу йўналишга сарфланган маблағлар йилдан-йилга

2.3.1- жадвал

“Uz Dong Yang Co” МЧЖда инновацион стратегияларни амалга ошириш ҳолати таҳлили

№	Инновацион стратегия йўналишлари	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2014 йилга нисбатан фарқи		2015 йилда 2014 йилга нисбатан фарқи	
						(+ ; -)	%	(+ ; -)	%
1	Техник йўналиш								
	Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш	минг сўм	1341124	821536	3130875	2309339	381,1	1789751	233,5
2	Ташкилий йўналиш								
	ходимлар соғлиғини назорат қилиш;	минг сўм	63214	68947	60127	-8820	87,2	-3087	95,1
	ходимлар малакасини ошириш;	минг сўм	23045	24220,7	24705,2	484,5	102,0	1660,2	107,2
	маҳсулот сифатини такомиллаштириш	минг сўм	123035	130247	131623	1376	101,1	8588	107,0
3	Тижорий йўналиш								
	янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш	минг сўм	185534	197282	210571	13289	106,7	25037	113,5

Манба: "Uz Dong Yang Co" МЧЖнинг охириги уч йиллик ҳисобот маълумотлари

ортиб бораётган бўлсада бу маблағ корхона айланма маблағлари таркибида сезиларли улуш хосил қилмаслигини айтиш мумкин.

Инновацион стратегия йўналишларидан яна бири - тижорий инновациялардир. Корхонада сўнги йилларда янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш масаласига катта эътибор қаратилаётганлигини, яъни, маҳсулот турларини диверсификация қилинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишда 2015 йилда 210571 минг сўм сарфланган, бу 2014 йилга нисбатан 13289 минг сўмга кўпайиб, 106,7 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 25037 минг сўмга ошган ва 113,5 фоизга тўғри келган.

Юқорида корхона томонидан 2015 йилда T-250 русумидаги янги турдаги автомобил учун йилига 30 мингта бутловчи қисмларни ишлаб чиқиш лойиҳасини жорий этиш бўйича изланишлар ва тадқиқотлар ўтказилганлиги айтиб ўтилди. Ушбу инновацион стратегияни амалга оширишда Жанубий Кореянинг “Dong Kvang Tek Co. LTD” компанияси инвестиция киритилиши белгиланган. Лойиҳани қопланиш муддати 3 йилга мўлжалланган бўлиб, унга кўра 92 турдаги янги бутловчи қисмларни ишлаб чиқиш ва бу орқали 18,20 млн. доллар хажмидаги импорт маҳсулотларини ўрнини қоплаш мўлжалланган. Бу орқали 5 та янги иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотнинг 15000 таси экспорт қилиниши кўзда тутилган. Лойиҳани ишга тушиш муддати 1 март 2016 йилга белгиланган.

Шундай бўлсада корхонада инновацион стратегияни шакллантириш йўлида қўшимча изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, янги истикболли истеъмолчиларни жалб этиш борасида, “MAN”, “Uz Hanwoo” ва “Қурилишконструкция” каби корхоналар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўз навбатида корхонага маҳсулот етказиб берувчи “Уз Корам Ко”, “Уз Сем Юнг Ко”, “Uz Dong Ju Paint Co” каби 40 дан ортиқ ички, “Prodia” Бразилия, “Aundi” Хиндистон, “Komiteks” Россия каби 10 дан ортиқ ташқи хамкорлар қаторида “M/S Aunde India Ltd” Хиндистон, “Tehno-polimer”

Россия, “Sanlima” Хитой каби бир қатор компания ва фирмалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Буларнинг натижаси яна 13 хил кўринишда янги маҳсулотлар яратиш бўйича инновацион тадқиқотлар олиб борилаётганлигини айтиш зарур.

Умуман олганда корхона инновацион фаолиятини ўрганиш давомида барча йўналишлар бўйича маҳсулот сифатини бошқариш, ходимларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилш ва бошқа олиб орилаётган фаолият соҳаларида ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса инновацион стратегияларни амалга ошириш ва корхона фаолиятига муаммоларсиз жорий этиш имконини оширади.

Корхонада инновацион стратегиялардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш давомида кўрдикки, бу жараён корхона томонидан ижобий кўринишда ташкил этилган бўлсада, уни талаб даражасида деб айта олмаймиз. Яъни, корхона томонидан амалга оширилаётган инновацион стратегияларнинг барчаси асосий истеъмолчи “GM-Uzbekiston” ЁАЖ фаолиятидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бу эса “GM-Uzbekiston” ЁАЖда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши натижасида корхонада ҳам ишлаб чиқаришни қисқаришига олиб келади, бунинг натижасида эса 2015 йилда корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларида кўриб ўтилганидек салбий кўрсаткичларни келтириб чиқаради.

III БОБ. “UZ DONG YANG CO” ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Корхона инновацион стратегиясини шакллантиришни такомилаштириш йўллари.

Сўнги вақтларда Ўзбекистон автомобилсозлик саноатида вужудга келган туб иқтисодий жараёнлар, “GM Uzbekistan” автомобил корхонасига бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида ҳам вужудга келган ўзгаришларга мослашиш ва уларнинг таъсирини камайтириш йўлларини ишлаб чиқишни талаб этади. Айниқса бу ҳолат мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитда янада ўзининг долзарблигини намоён этади. Бу эса иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган автомобилсозлик корхоналарида ҳам ўзига хос ўзгаришлар ва изланишларни амалга оширишни тақазо этади.

Айниқса бу жараёнда корхоналар фаолиятини диверсификациялашга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ишлаб чиқиш ва бунга қаратилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик жихатдан янгилаш, техник қайта қуроллантириш каби масалаларга кенгроқ аҳамият қаратишни талаб этади.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖ фаолияти автомобиллар учун бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилганлиги ва унинг “GM-Uzbekistan” ЁАЖ кўринишида доимий истеъмолчиси мавжуд бўлсада, қўшимча бозор имкониятларга эга бўлиш, қўшимча бозор талабларини шакллантириш ҳамда янги турдаги ҳалқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишда инновацион фаолиятини ривожлантириш талаб этилади.

Корхоналарнинг инновацион стратегияси - ўз заминида корхонанинг асосий вазифалари, инновацион фаолият соҳасидаги вазифалари ҳамда тайинли инновацион лойиҳаларни режалаштириш жараёни эканлигини

англатади. Одатда, бу жараён стратегик режалаштириш номи билан ҳам амалиётда кенг қўлланилади.

Корхонанинг инновацион стратегиясини уч йўналишда таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Корхонанинг амал қилиб турган доирадаги ўсиш имкониятлари таҳлил этилади (интенсив ўсиш).

2. Корхонада инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали ривожланиш имкониятлари таҳлил этилади.

3. Корхонанинг тармоқ доирасидан ўзга соҳаларда ривожланиш имкониятлари таҳлил этилади (диверсификацион ўсиш).

Стратегик режалаштиришнинг ҳар бир босқичини ҳамда стратегик тавсияларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар корхонанинг стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади. Стратегияни амалга оширишда ва унинг самарали ва изчил бажаришида бошқариш тизимининг хусусиятлари ва эришган салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналарда инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қуйидаги асосий омилларни эътибога олиш мақсадга мувофиқдир: илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари; фан техника тараққиётидаги ўзгаришлар: технологиядан фойдаланиш талабларининг ўзгариши.


Корхона фаолияти учун ишлаб чиқилган инновацион стратегия асосида инновацион янгиликларни жорий этаётган корхоналар олдида инновацион жараёнларни бошлашдан олдин ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор масалалар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- инновацион жараённинг барча вазифалари ва босқичларини корхонада ҳал этиш;
- инновацион ишланмаларнинг қанча қисми ўзга ташкилотлар томонидан бажарилишини аниқлаш;
- қўйилган масадга лицензиялар ёки “ноу-хау”ни қўлга киритиш йўли билан эришиш;

- инновацион ишлар харажатлари ишлаб чиқаришга ёки маркетингга сарфланадиган умумий харажатларга қараганда, юқорироқ бўлган самарадорликни таъминлай олиши;

- ишлаб чиқариш ва маркетингга сарф этилган харажатлар қисқа муддатда анча самарали фаолият юритаётган корхонанинг узоқ вақт давомида самарадорлигини кафолатлай олиши.

Янгиликларни турли-туман хилларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволларга жавоб топиш янада мушкулдир. Ушбу корхоналарга комплекс тарзда қараладиган бўлса ёки уларни турли даражада бирлаштирилиши учун муайян устуворликларга йўналтирилган аниқ концепция ишлаб чиқилган бўлиши керак. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида инновацияларни бошқаришнинг барча даражаларида уларнинг маҳсулотга йўналтирилганлиги, яъни, янгиликларнинг ишлаб чиқаришга қаратилганлигини кузатиш мумкин (3.1.1-чизма). Концепцияга кўра, инновацион стратегия маҳсулотга йўналтирилганлиги билан намоён бўлади.



3.1.1-чизма. Инновацияларни бошқаришнинг кузатув тизими.

“Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамияти инновацион стратегиясини шакллантириш - бу ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш тўғрисидаги илмий асосланган тасаввурларни амалда бажариш ва такомиллаштириб боришдир. Моҳиятига кўра ушбу жараён ишлаб чиқаришни ташкил этиш

асосига аниқ билимлар, сўнги янгиликлар ҳамда тармоқ талабларини олдиндан кўра билиш ва ҳисобга олишга асосланади.

Корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда инновацион фаолият билан шуғулланишнинг амалий тажрибаларидан кенг фойдаланиш ўзининг самарали натижаларига олиб келиши табиийдир. Бунда инновацион менежментни ташкил этиш концепциясидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Корхонада инновацион фаолликни ташкил этиш концепциясининг назарий ва амалий хусусиятларига хос жихат шундаки, унинг ички ва ташқи муҳитида таъсир кўрсатувчи инновацион омилларни, муҳитни эътиборга олиш масаласи бирламчи ҳисобланади.

Юқоридаги бўлимларда кўрдикки корxonанинг асосий истеъмолчиси бўлган “GM Uzbekistan” ЁАЖ фаолиятида вужудга келган турғунлик ҳолати “Uz Dong Yang Co” МЧЖ фаолиятига ҳам таъсир кўрсатган бўлиб, бунинг натижасида сўнги йилларда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайган ва бу унинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатган. Бу жараёнда корхона фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшимча ишлаб чиқариш йўналишларини шакллантириш йўлида изланишлар олиб бориб булар асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги бозор истиқболларини белгилаш, яъни корхона фаолиятини диверсификациялаш талаб этади.

Бунинг учун корхонада “**инновация гуруҳи**”ни шакллантириши мақсадга мувофиқдир. Ушбу гуруҳга жамият фаолиятида асосий ўринда турувчи ўрта бошқарув поғонаси раҳбар ходимларини жалб этган ҳолда уларга бозор тадқиқотларига асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил этиш вазифасини топшириш зарур. Бунда ҳар бир раҳбар ўз вазифаси нуқтаи назаридан, яъни ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда изланишлар олиб бориши талаб этилади. Шу билан бирга уларнинг барчаси корхона умуммақсади йўлида бирлашган ҳолда фаолият юритилиши таъминланади.

Бунда инновацияларнинг тижорат нуқтаи назаридан салоҳиятига ҳамда уларнинг шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондира олишига баҳо

бериш зарур. Бу борада инновацияларнинг тижорат ютуғига таъсир қилувчи қўйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак:

- бозорга йўналтирилганлик;
- инновацион лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолашнинг самарали тизими;
- лойиҳаларни самарали бошқариш ва назорат қилиш;
- ижодий ғоялар манбаи;
- корхонанинг янгиликларга мослашувчанлиги, таъсирчанлиги;
- янгиликларга қаршилиқ кўрсатиш.

Бунда энг муҳим жиҳат – бозорга йўналиш олиш билан бевосита боғлиқ. Яъни, қўйиладиган вазифалардан бири – ИТТКИ соҳаси билан маркетинг ўртасида доимий алоқани йўлга қўйишдир. Бу ерда вужудга келиши мумкин бўлган, коммуникацион қийинчиликлар ва корхоналар ташкилий тузилмаси билан боғлиқ муаммоларни, яъни ИТТКИ билан банд ходимлар ҳамда маркетинг бўйича мутахассислар ўртасида самарали муносабатларни йўлга қўйиш ҳам талаб этилади. Шу билан бирга техник томонлар ва бозорга боғлиқ жиҳатларни бир-бирига унумли боғлаш зарур, бунга эса, хизматлар ўртасида яқин алоқаларни йўлга қўйишга ҳам эътибор бериш зарурдир.

Ушбу билдирилган таклифни амалга оширишда “Маҳсулотга йўналтирилганлик” ва “Бозорга йўналтирилганлик” каби соҳаларга устуворлик бериш ўзига хос аҳамиятга эга.

Юқоридагилар билан бир қаторда инновацион фаолиятнинг нозик сир – асрорларини, унинг хусусиятларини, корхоналарда инновацион бошқарув салоҳиятини ошириш имкониятларини англаб ета оладиган кадрларни танлаш, уларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш, уларни иш фаолиятларидан самарали, унумли фойдаланиш ҳозирда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шу сабабдан “Uz Dong Yang Co” МЧЖда инновацион стратегияни шакллантиришнинг зарурий элементлари жамланиб, янгилик ва ихтироларнинг ўсиш суръатларини таъминлаш кўзда тутилади. Бу жараён

асосида “инновацион санъат” иборасини келтириб чиқарувчи ихтирочилик қобилияти мавжуд новатор кадрларнинг иш фаолиятларини кундалик бир маромда тўғри оқимга йўналтириш тадбирини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш зарур ҳисобланади. Бунда жамият ишчи ходимлари орасида янгиликлар ишлаб чиқиш, рационализаторлик таклифларини беришга бўлган эътиборларини кучайтириш керак, яъни улар томонидан ишлаб чиқилган янгиликлар ёки берилган таклифлар уларнинг натижалари қандай бўлишидан қатъий назар рағбатлантириб борилиши керак. Ишчи ходимлар томонидан берилаётган таклифларнинг хаммаси ҳам дастлабки вақтда самарали бўлмаслиги мумкин, лекин берилаётган таклифлар бўйича ижобий хулосаларни ёки фикрларни берилиши келгусида жамиятнинг ташкилий ёки техник фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи янги лойиҳалар ишлаб чиқиш имкониятлари шаклланади.

Бу борада АҚШнинг “Ford”, Япониянинг “Hitachi”, “Toyota”, Франциянинг “Tefal”, Швециянинг “Nestle” каби хорижий фирма ва компанияларнинг бу борадаги тажрибаларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу фирмаларда ишлаётган ҳар бир ходим йилига камида 2-3 та рационализаторлик таклифи билан чиқиши табиий ҳол бўлиб, ихтирочилик, новаторлик ишлари билан доимий шуғулланишлари кундалик иш маромига айланиб қолган. Қизиғи шундаки, юқорида номлари зикр этилган фирма ва компанияларда ҳар бир ходимга ўртача 3 тадан ноу-хау, инновацион лойиҳа, янгилик ва ишланмалар тўғри келади. Бу ўртача кўрсаткич бўлиб, баъзи бир ходимлар бу борада 7-8 тадан ихтирочилик, рационализаторлик ишларини ҳам яратиши мумкин. Демак, инновацион стратегияни шакллантиришда инноватор кадрларни излаб топиш, уларни корхона мақсадига сари йўналтириш ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиздир.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖда инновацион стратегияни шакллантириш йўналишида қуйидагиларни амалга ошириш муҳимдир:

Биринчидан, жамиятнинг хозирги шароитидан келиб чиққан холда инновацион мухитини шакллантириш ва унга мос инновацион стратегияни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, корхонада илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари бўлими фаолиятини жонлантириш орқали ижодкор ходимлар фаолиятини шакллантириш;

учинчидан, инновацион фаолиятни тўғри ташкил қилиш натижасида истиқболли инновацион лойиҳаларни молиялаштириш орқали доимий равишда маҳсулот ассортиментини янгилаб бориш.

Маълумки, агар корхона ва фирмалар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таркиби, ассортимент ва номенклатурасини доимий равишда йилига 3-4 фоиз (минимум чегараси)гача янгилаб бормасалар, уларнинг бозор рейтинги, мавқеи, стратегиялари позицион жихатдан ва табиий равишда пасайиши кузатилади. Шу боис корхоналарда ташкилий структураларни такомиллаштириб бориш инновацион фаолият самарадорлигига ҳам бевосита таалуқлидир.

Корхона томонидан юқоридаги таклифларни ҳисобга олган холда амалий чора-тадбирлар мажмуи қўлланса, ҳар бир қабул қилинаётган стратегик бошқарув қарори самараси, инновацион лойиҳаларни даромадли ва узоқ истиқболли бўлиши имконини келтириб чиқаради.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖда юқорида билдирилган таклифларни қўллаш орқали корхона фаолиятини ривожлантириш имкониятлари ошиб, фаолиятини янада барқарорлаштириши шубҳасиздир.

3.2 Корхонада инновацион стратегияларни жорий этишнинг самарадорлиги.

Хар қандай амалга оширилиши белгиланган жараён самарадорлик кўрсаткичи билан асосланади. Айниқса ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар фаолиятига жорий этилаётган инновацион стратегиялар самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этувчи омил бўлиб ҳисобланади. Хусусан, корхонларда инновацион стратегиялар самарадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- илмий-техник салоҳият (илмий даражага эга ходим сони; бир ходимга тўғри келадиган рационализаторлик таклифлар сони; патентлар сони ва бошқалар);

- коммерциализация кўрсаткичлари (ишлаб чиқараётган ҳажмида янги маҳсулот улуши; лицензия шартномалари сони ва бошқалар);

- бажарилаётган ишларнинг давомийлиги (инновацион даврнинг катталиги);

- инновациянинг бошқарилаётган тизими тавсифи (корхонада инновацион фаолиятни рағбатлантириш шакллари, юқори даражадаги раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиши, инновацион фаолиятга қатнашувчиларга эркинлик даражасини таъминланиши).

Инновацион фаоллик корхона фаолиятининг жони, унинг моҳияти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида янгилик излашга мойил, рақобатли курашда муваффақиятга эришиш учун бирор тадбирни амалга оширишга тайёр бўлган корхона ёки ташкилот сазовор бўла олади. Бу кучли рақобат шароитларида яшовчанлик эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳаётий заруратдир.

Ўз навбатида инновацияларни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳисобга олинadиган натижа ва

харажатларга боғлиқ ҳолда самарадорликнинг қуйидаги турлари мавжуд.

(3.2.1-жадвал)

Натижа ва харажатларни ҳисобга олишнинг вақт даврига боғлиқ ҳолда, жорий давр самарадорлиги ва йиллик самарадорлик кўрсаткичлари фарқланади.

3.2.1-жадвал

Инновацион самарадорлик турлари

Самарадорлик турлари	Омиллар, кўрсаткичлар
1. Иқтисодий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга ошириш билан белгиланадиган қиймат ифодасига эга барча натижалар ва харажатларни ҳисобга олади.
2. Илмий-техник	Янгилик, оддийлик, фойдалилик, дидга мослик, ихчамлик.
3. Молиявий	Кўрсаткичларни ҳисоблаш молиявий кўрсаткичларга асосланади
4. Ресурс	Кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва у ёки бу ресурс турининг истеъмолига, инновация таъсирини кўрсатади.
5. Ижтимоий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга оширишнинг ижтимоий натижаларини ҳисобга олади.
6. Экологик	Шовқин, электрмагнит майдон, ёруғлик, тебраниш, зарарли газлар, оғир металллар. Кўрсаткичлар, инновациянинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ҳисобга олади.

Қабул қилинган вақт даврининг давомийлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- инновацион давр давомийлиги;
- инновацион объектларининг хизмат муддати;
- бошланғич ахборотнинг ишончилиги даражаси;
- инвесторлар талаби.

Маълумки, самарадорликни баҳолашнинг умумий тамойили натижа ва харажатларни таққослашга асосланади. Ушбу нисбат ҳам натурал, ҳам пул катталикларида ифодаланган бўлиши мумкин. Аммо, асосийси “ишлаб чиқаришдаги самарадорлик – бу доимо нисбат” эканлигини билиш муҳимдир.

Умуман олганда, инновацион салоҳиятнинг энг қулай вариантыни танлаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси, бир томондан, инновациялардан олинган пировард натижанинг, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томонидан эса, олинган натижаларни бошқа ўхшаш инновациялардан олиниши мумкин бўлган натижалар билан таққослашни талаб қилади.

Натижаларни харажатлар билан таққослашга асосланган инновацион салоҳият самарадорлигини ҳисоблаш услуби, янги ишланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Юқоридаги бўлимда “Uz Dong Yang Co” МЧЖ фаолиятида инновацион стратегияларни шакллантиришда амалга оширилиши зарур бўлган чоратadbирлар келтирилган эди.

Келтирилган масаларни ўрганиш корхонада жорий этилаётган инновацион стратегияларни шакллантиришнинг самарадорлик кўрсаткичларини ортишига асос бўлади.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖда инновацион стратегияларни самарадорлигини таъминлашда нафақат ишлаб чиқариш балки бошқарув фаолиятида илғор усулларни ҳам жорий этиш ўзининг ижобий натижаларини бериши шубҳасиздир. Корхонанинг фаолият йўналишидан келиб чиққан холда меҳнат тақсимотини ташкил этиш, мақсадни муваффақиятли амалга оширишида режалаштириш жараёнини аҳамиятини ошириш зарур ҳисобланади. Корхона келгуси фаолияти учун бизнес режалар тузишда фақат тузилган шартномалар (буюртмачи корхоналар) билан чекланиб қолмасдан, бозор тадқиқотларига асосланган холда қўшимча истеъмолчилар қатламини шакллантириш ва уларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Ана шунини ҳисобга олган холда корхонада маркетинг бўлими фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Келтирилган таклифларга мос холда корхона фаолиятида қуйидаги чоратadbирларни ҳам амалга оширишни таклиф этамиз:

1. Корхонада ишловчи ишчилар ва инженер техник ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш;
2. Янги замонавий техника – технология, ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқаришга жалб этиш жалб этиш жараёнини доимий равишда амалга ошириш;
3. Корхона ходимлари ўртасида инновацион фаоллик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва бошқалар.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖ фаолиятида инновацион стратегияларни шакллантиришни такомиллаштириш бўйича тадбирлар самарадорлиги асосан корхона фаолиятининг у ёки бу кўрсаткичларини ўсишида кўринади. Шунинг учун айтиб ўтилган тадбирларни тадбиқ этишдан олинган иқтисодий самарадорликни аниқлашда ўсувчи кўрсаткичларнинг ишлатилиши ҳисобларнинг объективлигини таъминловчи асосий тамойил ҳисобланади.

Юқорида билдирилган таклифлар асосида корхона ишчи ходилари орасида инновацион фаолликни оширишни таъминлашда рағбатлантириш механизмини шакллантириш зарур бўлади. Ушбу тадбир орқали корхона аъзоларида янгиликлар яратишга ва уларни ўз фаолиятларида қўллашларига бўлган қизиқишлари ортиши билан бир қаторда, корхона фаолиятини янада раванқ топишига кенг имкониятлар яратади. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янада такомиллаштирилган, камхарж ва сифат жихатдан юқори кўринишларда ишлаб чиқариш имконини оширади.

“Uz Dong Yang Co” МЧЖда инновацион стратегияларни шакллантиришни такомиллаштириш орқали корхонада қуйидагиларга эришилади:

- янги ғоя ва лойиҳалар ишлаб чиқилишини таъминлайди;
- инновацион стратегияни жорий этиш сифатини ошишига;
- қўшимча маҳсулот турларини кенгайтишига;
- янги техника ва технологияларни жорий қилишга;
- техника ва технологияларни ишлаш муддатларини узайтишига;
- сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқилишини ошишига;
- маҳсулот таннархини камайтишига;

- хом-ашё ва материалларни иқтисод қилинишига;
- иш жойларида ижодий яратувчанлик мухити вужудга келади;
- ишчи ходимларни;
- ишчи ходимлар малакаси ошиши билан бирга, уларни ишга бўлган муносабатларини ва масъулиятини ошишига ва бошқаларга.

Амалга оширилиши белгиланган ҳар қандай янгилик, лойиҳа ҳисобланади. Уни амалга ошириш эса чуқур мулоҳаза ва меҳнатни талаб этади. Маълумки лойиҳалар самараси ички ва ташқи кўринишларда намоён бўлади.

Ички самарадорлик кўрсаткичлари бу корxonани иқтисодий натижаларида намоён бўлса, ташқи самарадорлик кўрсаткичи эса жамият манфаатлари, ҳудуд инфратузилмасини ривожланиши ҳамда аҳоли бандлиги, эҳтиёжларни қондириш муаммоларини ижобий ҳал этиш имконини беради.

Ўйлаймизки юқоридагилар “Uz Dong Yang Co” МЧЖнинг келгуси фаолиятини ривожлантиришда, унинг имкониятларини янада раванқ топишига асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакат иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, корхоналар фаолиятида шакллантирилаётган инновацион стратегияларга ва уларни самарали жорий этиш истиқболларига боғлиқлиги барчага аён. Ҳозирги даврда республикамиз автомобилсозлик корхоналари фаолиятига йўналтирилган инновацион стратегияларни шакллантириш, уларни жорий этиш, ҳамда корхоналарни янада барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

“Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасининг инновацион стратегиясини шакллантириш” мавзусини ёритиш давомида қуйидаги хулосаларга эга бўлдик.

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида автомобилсозлик саноати корхоналари фаолиятини барқарор бўлиши, харажатлар таркибини қисқартириш, рақобатбардошлигини ва экспорт потенциалини кучайтириш билан бир қаторда маҳсулотлар турлари ва сифатини оширишга эришишда инновацион стратегияларни ўрни, уларни жорий этиш, улардан фойдаланиш ва инновацион стратегиялар натижасида амалга оширилган фаолиятнинг самараси каби омилларга боғлиқ бўлади.

Инновацион стратегия - бу ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро бир-бирини асослайдиган ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлган, илм-фан, техника тараққиётининг устувор йўналишларида муайян мақсадларга эришишга йўналтирилган корхоналарнинг узоқ муддатли олий мақсади.

Шу билан бирга инновацион стратегия ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра янги товар ишланмалари, лойиҳалари ва лаборатория ишлари мажмуини ифода этиш баробарида корхона ва фирманинг рақобатли афзаллик, рақобат муҳитидаги мавқеини оширишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи ҳамдир.

2. “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхона “GM-Uzbekistan” ЁАЖ автомобил заводида ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун ички қоплама деталлари ва бутловчи қисмлар етказиб беришга ихтисослашган корхона ҳисобланади. “Uz Dong Yang Co” кўшма корхонаси 1996 йилда Жанубий Кореянинг “Dong Kvang Tek Co. LTD”

корхонаси ва “Ўзавтосаноат” Давлат акционерлик компанияси ўртасида имзоланган келишув асосида ўз фаолиятини бошлаган. жамиятининг асосий истеъмолчилари сифатида “GM Uzbekistan” автомобил корхонасини ҳамда автомобил ўриндиқлари ишлаб чиқарувчи “Uz Tong Xong CO” қўшма корхоналарини эътироф этиш мумкин. Корхонада NEXIA, MATIZ, SPARK, COBALT, LACETTI каби енгил автомобиллар учун гилам қопламалари, юкхона тўшамаси, ғилдирак бўлмаларига қопламалар, асосий орқа панеллар, асосий шифт панеллари, эшиклар учун ички қопламалар, асбоблар панеллари ва уларнинг бутловчи қисмлари, ўриндиқлар ва бош қўйгичлар учун ғилофлар ҳамда бошқа турдаги жами 337 турдаги ички бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади.

3. 2015 йилда корхона томонидан жами 5016786 дона турли хил ички бутловчи қисмлар ва автомобил ғилофлари ишлаб чиқарилган, уларнинг асосий қисмини, яъни 4882000 тасини ички бутловчи қисмлар, 123336 тасини комплект автомобил ғилофларини ва 11450 тасини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил этган. Корхона томонидан 2015 йилда 5016786 минг донада маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилларга нисбатан камайганлигини кўришимиз мумкин. 2015 йилда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2014 йилга нисбатан 2945646 тага, 2013 йилга нисбатан эса 3087914 тага камайган. Корхонанинг яна бир турдаги маҳсулоти бўлган автомобиллар учун ғилоф ишлаб чиқариш ҳажми ҳам аввалги йилларга нисбатан камайганлигини айтишимиз мумкин. 2015 йилда жами 123336 комплект ғилоф ишлаб чиқарилиб, бу 2014 йилга нисбатан 21696 тага, 2013 йилга нисбатан эса 21164 тага камайган.

4. Корхонада 2015 йилда 150346470 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 39987404 минг сўмга камайган, 2013 йилга нисбатан эса 113956 минг сўмга ортган. 2015 йилда корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 118759853 минг сўмни ташкил этган, бу эса 2014 йилга нисбатан 24942222 минг сўмга кам бўлган, 2013 йилга нисбатан эса 5362605 минг сўмга кўпайган.

2015 йилда корхонада жами 940 нафар ишчи ходим меҳнат қилган, буларнинг 75 нафарини инженер техник ходимлар, 865 нафарини эса ишчилар ташкил этган. Корхонада ходимлар сони аввалги йилларга нисбатан ошган бўлсада, меҳнат унумдорлиги камайган. 2015 йилда корхонада меҳнат унумдорлиги 159943 минг сўмга тўғри келган, бу эса 2014 йилга нисбатан 42755,5 минг сўмга, 2013 йилга нисбатан эса 494,5 минг сўмга камайган. Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири иш ҳақи кўрсаткичлари ҳисобланади, 2015 йилда корхонанинг иш ҳақи фонди 9440632 минг сўмни ташкил этган, бу 2014 йилга нисбатан 3483803 минг сўмга, 2013 йилга нисбатан эса 1761693 минг сўмга камайган. Сўнги йилларда корхонанинг иш ҳақи фонди сезиларли равишда камайган бўлиб, бу ўз навбатида корхонанинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳам пасайишига сабаб бўлган. 2015 йилда бир ойлик ўртача иш ҳақи 836,9 минг сўмга тўғри келган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 310,1 минг сўмга камайган ва 73,0 фоизни ташкил этган, 2013 йилга нисбатан эса 166,9 минг камайиб, 83,4,6 фоизга тўғри келган.

Корхонанинг сўнги йилдаги фаолиятидаги салбий кўрсаткичлар унинг соф фойдасини ҳам аввалги йилларга нисбатан камайишига олиб келган. 2015 йилда корхонанинг соф фойдаси 5516706 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 2584919 минг сўмга 2013 йилга нисбатан эса 2140252 минг сўмга камайган. Бу эса ўз навбатида корхонанинг рентабеллик даражасида ҳам ўз аксини топган, жумладан, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 4,6 фоизга тўғри келган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 1,0 даражага ва 2013 йилга нисбатан эса 2,1 даражага камайган.

5. Корхона ривожланишига қаратилган инновацион стратегиялар корхонадаги режа бўлими ва унинг таркибидаги ривожланиш маркази томонидан ишлаб чиқилиб корхона бошқаруви томонидан мувофиқлаштирилади.

Корхонада инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш уч йўналишда амалга оширилиб, булар 1) техник ва технологик, 2) ташкилий, 3) тижорий йўналишлардир.

Корхона фаолиятининг асосий йўналиши ишлаб чиқариш бўлганлиги сабабли асосан техник инновациялар, яъни янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, реконструкция ишларига устуворлик берилишига гувоҳ бўлдик.

2015 йилда корхона томонидан техник инновациялар бўлган, яъни янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш йўналишига 3130875 минг сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 2309339 минг сўмга, 2013 йилга нисбатан эса 1789751 минг сўмга кўпайган. 2015 йилда бу соҳага сарфланган маблағларнинг аввалги йилларга нисбатан кўплиги Т-250 русумидаги янги турдаги автомобил учун йилига 30 мингта бутловчи қисмларни ишлаб чиқиш лойиҳасини жорий этишга қаратилган изланишлар ва тадқиқотлар ҳамда технологияларни олиб келиш, ўрнатиш ишлари билан асосланади. Инновацион стратегия йўналишларидан яъна бири бўлган ташкилий йўналишдаги инновациялар корхоналар фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи соҳалардан ҳисобланади. Ходимлар соғлигини назорат қилиш ишларини ташкил этилиши ижтимоий йўналишдаги ташкилий инновациялардан бири бўлиб, корхонада бу мақсадларга 2015 йилда 60127 минг сўм миқдорида маблағ сарфланган, бу 2014 йилга нисбатан 8820 минг сўмга, 2013 йилга нисбатан эса 3087 минг сўмга камайган. Бундан кўриниб турибдики корхонанинг 2015 йилги иқтисодий ҳолати бу соҳага ҳам таъсир қилиб, ушбу йўналишга маблағ ажратилишини қисқаришига сабаб бўлган. Ушбу соҳага етарлича эътибор қаратишга эришиш, корхона ишчи - ходимларини ишга бўлган муносабатларини ошишини таъминлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошишига имкон яратади.

Корхона фаолиятини ижобий бўлишини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи корхона ишчи – ходимларини ўз устида ишлашларини рағбатлантириш, янгиликлар киритишларини қўллаб-қувватлаш ва малакаларини оширишни ташкил этиш борасида сўнги йилларда ижобий ишлар олиб борилагн. 2015 йил давомида бу йўналишда 24705,2 минг сўм сарфланган.

Корхонада маҳсулот сифатини такомиллаштиришга қаратилган инновациялар, сифатни таъминлашда барча жараёнларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш тадбирларига 2015 йилда 131623 минг сўм сарфланган, бу 2014 йилга нисбатан 1376 минг сўмга, 2013 йилга нисбатан эса 8588 минг сўмга ошган.

Юқорида корхона томонидан 2015 йилда T-250 русумидаги янги турдаги автомобил учун йилига 30 мингта бутловчи қисмларни ишлаб чиқиш лойиҳасини жорий этиш бўйича изланишлар ва тадқиқотлар ўтказилганлиги айтиб ўтилди. Ушбу инновацион стратегияни амалга оширишда Жанубий Кореянинг “Dong Kvang Tek Co. LTD” компанияси инвестиция киритилиши белгиланган. Лойиҳани қопланиш муддати 3 йилга мўлжалланган бўлиб, унга кўра 92 турдаги янги бутловчи қисмларни ишлаб чиқиш ва бу орқали 18,20 млн. доллар хажмидаги импорт маҳсулотларини ўрнини қоплаш мўлжалланган. Бу орқали 5 та янги иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотнинг 15000 таси экспорт қилиниши кўзда тутилган. Лойиҳани ишга тушиш муддати 1 март 2016 йилга белгиланган. Шу билан бир қаторда корхонада инновацион стратегияни шакллантириш йўлида қўшимча изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, янги истиқболли истеъмолчиларни жалб этиш борасида, “MAN”, “Uz Hanwoo” ва “Қурилишконструкция” каби корхоналар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

“Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамиятида инновацион стратегияларни шакллантириш ва фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш давомида кўрдикки, бу жараён корхона томонидан ижобий кўринишда ташкил этилган бўлсада, уни талаб даражасида деб айта олмаймиз. Яъни, корхона томонидан амалга оширилаётган инновацион стратегияларнинг барчаси асосий истеъмолчи “GM-Uzbekiston” ЁАЖ фаолиятидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бу эса “GM-Uzbekiston” ЁАЖда автомобиль ишлаб чиқариш хажмини қисқариши натижасида корхонада ҳам ишлаб чиқаришни қисқаришига олиб келади, бунинг натижасида эса 2015 йилда корхонанинг

иктисодий кўрсаткичларида кўриб ўтилганидек салбий кўрсаткичларни келтириб чиқаради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда корхонада инновацион стратегияларни шакллантириш, корхонага жорий этиш, инновацион фаолиятни ташкил этиш, ривожлантириш ва уларни муваффақиятли бошқариш мақсадида илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада қуйидагиларни корхона фаолиятига жорий этишни таклиф этамиз.

1. Корхона фаолиятига мос инновацион стратегияни ишлаб чиқиш.
2. Корхонада инновацион стратегияларни шакллантириш ва жорий этишда асосий буюртмачи корхонанинг фаолиятига мутаносиблигини таъминлаш.
3. Сўнги йилларда асосий истеъмолчи фаолиятида кузатилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, янги турдаги халқ истеъмол моллари ёки янги истеъмолчиларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инновацион стратегияни ўқлантириш бўйича изланишлар олиб бориш. Бунинг учун корхонада “**инновация гуруҳи**”ни шакллантириши мақсадга мувофиқдир. Ушбу гуруҳга жамият фаолиятида асосий ўринда турувчи ўрта бошқарув поғонаси раҳбар ходимларини жалб этган ҳолда уларга бозор тадқиқотларига асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил этиш вазифасини топшириш зарур. Бунда ҳар бир раҳбар ўз вазифаси нуктаи назаридан, яъни ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда изланишлар олиб бориши талаб этилади. Шу билан бирга уларнинг барчаси корхона умуммақсади йўлида бирлашган ҳолда фаолият юритилиши таъминланади.
4. Корхонада инновацион стратегияларни шакллантириш, уларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан аввал самарадорлигини таъминловчи кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил этиш тизимини яратиш.
5. Корхонада нафақат инновацион стратегияларни ишлаб чиқишни балки, уларни яратиш, қўллаш, жорий этиш жараёнларини такомиллаштириш. Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш ва бошқарувни илғор усулларига асосланган тадбирлар мажмуини яратиш. Инновацияларни жорий этиш

тизимини ташкил этиш орқали корхона ишчи ходимларини янгиликлар яратишга бўлган қизиқишларини ошириш.

6. Инновацион фаолиятни тўғри ташкил этиш натижасида истиқболли инновацион лойихаларни молиялаштириш ва улар орқали доимий равишда маҳсулот ассортиментини янгилаб бориш.

7. Корхонада ишловчи ишчилар, инженер-техник ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими фаолиятини қайта кўриб чиқиш, фикримизча, ҳозирги билимлар тез эскираётган даврда корхонада ходимларнинг малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини шакллантиришлари зарурдир.

Юқорида билдирилган таклифларни “Uz Dong Yang Co” масъулияти чекланган жамият фаолиятига тадбиқ этилишига эришиш, фикримизча корхона фаолияти ва уни ривожлантиришга қаратилган инновацион стратегияларни шакллантириш ва унинг самарадорлигини ошишида ўзига хос ижобий аҳамият касб этиб, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, харажатларни қисқартириш, фойдани ошириш каби бир қатор иқтисодий кўрсаткичларни ўсиши билан бирга, техника-технологияни модернизация қилиш, корхона фаолиятини диверсификация қилиш ҳамда корхонанинг ижтимоий жараёнларини замон талабига мос ҳолда бўлишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида» ги Қонуни. Т., «Адолат», 2000 йил.
3. Каримов И.А. «Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». – Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил.
4. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби», «Халқ сўзи», 2009 йил 14 февраль.
5. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. “Халқ сўзи” 2013 йил, 19-январь.
6. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. “Халқ сўзи” 2014 йил, 18 январь.
7. Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир». «Халқ сўзи» 2015 йил 17 январь.
8. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи” 16.01.2016 йил.
9. Абдукаримов Б.А. “Корхона иқтисодиёти”. –Т.: «Фан», 2005 й.
10. Абдукаримов И.Т. «Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили» — Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003 й.
11. Гимуш Р.И., Матмуродов Ф.М., “Инновацион менежмент”. -Т.: УзФМЖ, 2008 йил.

12. Гусаков М. Формирование потенциала инновационного развития // Экономист. 2009 г.
13. Йўлдошев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. дарслик 2011. 6-б.
14. Котлер Ф. “Основы маркетинга” – М.: «Дело», 1992.
15. Комилжанов Б.И. “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш” Т.: Фан– 2007. 172 б.
16. Ортиқов.А «Саноат иқтисодиёти» Т.: ТДИУ, 2004й.
17. Ортиқов А.А., Юлдашева Ш.М. «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш».Т.: ТДИУ 2004 й.
18. Сотволдиев А.А., Тўхтабоев А.Т., Тешабоева З.Т., «Жараёнлар менежменти», - Т.: «Fan va technology», 2005 й.
19. Эргашходжаева Ш. Ж. Стратегик маркетинг -2. –Т.:ТДИУ, 2010 й.
20. Юлдашев Н.К., ва бош. «Стратегик менежмент». Ўқув кулланма.- Т.: ТДИУ, 2003 й, 102 б.
21. Waterman, R.H. The Renewal Factor. New York: Free Press, 1987.
22. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали 2010-2015 йил.
23. «Бозор, пул ва кредит» журнали 2010-2015 йил.
24. www.upper.ru . «Инновационный менежмент».
25. www.economics.ru «Стратегическое управление».
26. www.moderniz.org.ru Конкуренентоспособность и модернизация российской экономики.
27. «Uz Dong Yang Co» МЧЖнинг 2013-2015 йиллар хисобот маълумотлари.